

Т. ҚОРАЕВ Р. ВОҲИДОВ



АДАБИЙ
ТАХАЛЛУСЛАР
ҲАҚИДА



Тришлов

Азамат

Искандеровичи

Махсум

Кутубхожа

Али

Т. ҚОРАЕВ, Р. ВОҲИДОВ

АДАБИЙ
ТАХАЛЛУСЛАР
ҲАҚИДА

Адабиёт ўқитувчиларига ёрдам

Исломжон
Ҳуссейн
Масрафсупов
Ўқувчи

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЕТИ

Тошкент — 1978

4.11.2024

Махсус редактор
педагогика фанлари доктори
А. Зуннунов

АВТОРЛАРДАН

Маълумки, ўқувчилар бошланғич ва ўрта мактаб программаларига асосан адабиёт дарсларида ўзбек ёзувчилари ва қардош халқлар адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди билан танишадилар. Санъаткорларнинг маълум бир қисми ўз исми ва фамилияси билан юритилса, бошқа бир қисми адабий таҳаллуси билан аталади. Масалан, Қудрат Ҳикмат, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Қуддус Муҳаммадий, Шароф Рашидов каби шоир ва ёзувчилар ўз исми ва фамилияси билан, Лутфий, Алишер Навоий, Гулҳаний, Муқимий, Фурқат, Завқий, М. Горький, С. Айний, Ойбек, Уйғун, Яшин, Ойдин сингари ёзувчи ва шоирлар эса ўз адабий таҳаллуслари билан машҳурлар.

Шунинг учун ҳар бир ижодкор асарлариңи ўрганиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг билим савиясини ҳисобга олган ҳолда таҳаллусига изоҳ бериши, унинг мазмунини, танланиш сабабларини тушунтириши талаб қилинади.

Бунда таҳаллуснинг фақат формал бир ҳодиса эмаслиги, балки маълум эстетик принципга асослангани таъкидланса, бу ўқувчиларнинг адабий фактларни тўғри англашларига ёрдам беради.

Бу брошюрада адабий таҳаллуслар ҳақида ўқувчиларга тушунча беришда адабиёт ўқитувчиларига, шунингдек олий ўқув юртиларида ўқитган филолог студентларга кўмаклашиш кўзда тутилган.

К $\frac{60501 \ 246}{353 (06) - 78}$ 228--78

АДАБИЙ ТАХАЛЛУСЛАР ТАРИХИГА ДОИР

Адабиётшуносликда адабий тахаллус масаласи хусусида Е. Э. Бертельс, В. А. Абдуллаев, В. И. Зоҳидов, А. М. Мирзоев, И. С. Брагинский, Н. М. Маллаев, М. Шайхзода, Ф. Қ. Қаримов, А. Ҳ. Ҳайитметов, А. П. Қайюмов, Б. Н. Валихўжаев ва бошқаларнинг ўзбек ва тожик адабиёти тарихига доир йирик тадқиқот ва илмий мақолаларида, дарслик ва қўлланмаларида фикр-мулоҳазалар баён этиб ўтилган.

Ижодкорларнинг ўзлари ҳам умуман, тахаллус танлаш сабаблари борасида, хусусан, ўз тахаллуслари хусусида фикр ва мулоҳазаларини ёзиб қолдирганлар. Фикримизга А. Навоий, Муқимий, С. Айний, Ойбек сингари улкан ижодкорларнинг бу соҳадаги эътироф ва қайдлари яхши мисол бўла олади.

Айниқса, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг тахаллус ҳақидаги фикрлари характерлидир. Буюк шоир «Мажолисун-нафоис» тазкирасида шоирлар ҳақида маълумот берад экан, уларнинг тахаллуслари ҳақида тўхталиб ўтади. Шарқ халқлари адабиётларида тахаллус танлашда учрайдиган асосий принциплар ва анъаналар хусусида назарий маълумот беради.

Рус адабиётшунослигида адабий тахаллус махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Бу жиҳатдан машҳур совет библиографи И. Ф. Масановнинг хизматлари диққатга сазовордир. Бу олимнинг катта меҳнати туфайли тўрт томдан иборат сақсон минг сўзли тахаллуслар ва анонимлар луғати майдонга келган.

Адабий тахаллус ва анонимларга қизиқиш рус адабиётида кейинги йилларда ҳам давом этди. Ана шу қизиқишларнинг махсули сифатида В. Г. Дмитриев ва

II. Вольперларнинг қимматли китоблари майдонга келди¹.

В. Г. Дмитриевнинг «Ўз исмини яширганлар» номли монографияси бу жиҳатдан эътиборга лойиқ. Мазкур китобда рус классик ва совет адабиётидаги фактлар умумлаштирилади. Рус адабиётида адабий тахаллуснинг пайдо бўлиши ва қўлланилиши сабаблари кўрсатилади. Шунингдек, рус адабиётида мавжуд тахаллусларнинг классификацияси берилди².

И. Вольпернинг «В. И. Ленин тахаллуслари» номли китобида доҳий Лениннинг юздан ортиқ тахаллуси хусусида баҳс юритилади.

Номлар, тахаллуслар масаласида кейинги йилларда ўзбек, тожик, бошқирд ва бошқа халқлар тилларида ҳам бир қатор характерли тадқиқотлар, мақола ва луғатлар пайдо бўлди. Бу ишларнинг аксарияти ономастика—номшуносликка дахлдор бўлса ҳам, уларнинг авторлари йўл-йўлакай кишиларнинг тахаллуслари, лақаблари борасида ҳам тўхталиб ўтадилар. Бу жиҳатдан ўзбек олимлари Э. Бегматов, Я. Менажиев, Х. Азаматов, Д. Абдурахмоновлар, тожик олимлари О. Ғофуров, Ф. Абдулла ва бошқирд тилшуноси Т. Х. Қусимоваларнинг хизматлари диққатга сазовордир³.

Шоир Олтой (Боис Қориев)нинг «Адабий тахаллуслар ҳақида» номли мақоласи бу жиҳатдан алоҳида эъ-

¹ В. Г. Дмитриев. Скрывшие свое имя. Издательство «Наука», Москва, 1970. И. Вольпер. В. И. Ленин тахаллуслари. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1971.

² В. Г. Дмитриевнинг маълумотларига кўра тахаллус ва анонимларга қизиқиш, луғат тузиш И. Ф. Масановгача ҳам бўлган. Жумладан, 1874 йилда Г. Н. Генпади, 1891 йилда В. С. Карцов ва М. Н. Мазаевлар томонидан ҳам тахаллуслар луғати тузилган. Қаранг: шу асар, 8-бет.

³ Э. Бегматов. Номлар ва одамлар. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1966. Шу автор. Киши номлари имлоси. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1970; Шу автор. Ўзбек исмлари имлоси (русча ёзилиши масалалари), ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1972; Я. Менажиев. Х. Азаматов, Д. Абдурахмонов, Э. Бегматов. Исмигизнинг маъноси нима? ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968; Алим Гафуров. Лев и Кипарис (О восточных именах). Изд. «Наука», Главная редакция Восточной лит-ры, М., 1971; Фотеҳ Абдулла. Номнома. Нашриёти «Ирфон», Душанба, 1972; Қусимова Таисылу Хакимовна. Древне-башкирские антропонимы, АҚД, Уфа, 1975.

тиборга лойиқ¹. Олтой 20-йиллар вақтли матбуотида эълон қилинган ном-тахаллуслар, инициал-тахаллуслардан 430 тасини аниқлайди. Унинг бу иши ўзбек адабий тахаллусларининг мукамал луғатини тузиш соҳасида илк қадамдир. Ушбу брошюра муаллифларининг ҳам «Ўқувчиларга адабий тахаллус ҳақида тушунча бериш»² номли мақоласи эълон қилинган.

* * *

*

«Тахаллус» арабча сўз бўлиб, у икки маънода — халос бўлиш, қутулиш ва ўз номидан бошқа бир номни қабул қилиш маъноларида талқин этилади. Уни ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, артистлар, олимлар, журналистлар ва давлат ҳамда жамоат арбоблари иккинчи ном ёки фамилия сифатида қабул қиладилар.

Адабиётда «тахаллус» термини билан параллел равишда «лақаб» сўзи ҳам ишлатилади. Айрим ўринларда бу икки сўз тенг маънода қўлланади. Аслида «лақаб» термини «тахаллус»дан фарқ қилади. «Лақаб» инсоннинг турли-туман белгисиз, хусусиятларига қараб қўйилади. Шунга кўра «лақаб»лар кишиларнинг қайси уруғ ёки қабиллага мансублигини, улардаги жисмоний камчиликларни, характер, феъл-атвор, гапириш услуби, кийинишидаги бирор камчилиги ёки ўзгачаликни, касбини, миллатини шу қишлоқда биринчи бўлиб қилган ишини, қаердан келганлигини ва кишилардаги шу каби яхши ҳамда ёмон хислатларни, белги-хусусиятларни кўрсатади³. (Отабой Шўро, Зиёдулла қассоб, Тошпўлат мироб, Соли бурун, Жума қирғиз, Йўлдош шилқим, Сафар ялама, Ислом новча, Рисол шилпиқ ва бошқалар.)

Лақаб қўйиш, лақаб билан аташ, чақириш ҳодисаси фақатгина жонли сўзлашув, муомала учун хос хусусият бўлмай, балки шароит тақозоси туфайли революционерлар, шоир, ёзувчи, журналистлар ҳам ўзларига ўзга-

¹ Бонс Қориев. Адабий тахаллуслар ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1967 йил, 1-сон, 51—58-бетлар.

² Т. Қориев, Р. Воҳидов. Ўқувчиларга адабий тахаллус ҳақида тушунча бериш. «Совет мактаби» журнали, 1974 йил, 43—48-бетлар.

³ Я. Менажиев, Х. Азаматов, Д. Абдурахмонов, Э. Берматов. Исмнигининг маъноси нима? ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент, 1968. 15—16-бетлар.

рувчи лақаблар қабул қилганлар. Баъзан муайян давр ёки маълум шароит тақозоси билан адиб, журналист ёки революционерлар ўз исмлари ва фамилияларини яширин сақлашган ва лақаблари билан фаолият кўрсатишган. Масалан, М. И. Ульянов—Медведь (айиқ), П. И. Кулябко—Мышь (сичқон), Н. М. Лядов—Русалка (сув париси), Л. Б. Касин—Лошадь (от) ва ҳоказолар.

Шоир ва ёзувчиларнинг мукаммал номлари тилга олинганда, уларнинг ўз исми, ота-бобоси, тахаллуси, лақаби билан бир қаторда яна айрим қўшимчалар — шайх, ҳаким, абу, ибн сингари сўзларнинг илова қилиниши ҳолларига ҳам дуч келамиз. Бу ҳолат асосан, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган даврдаги ижодкорларда кўринади. Масалан, Шайхурраис Ибн Сино, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Шайх Аҳмад Суҳайлий, Шайх Ориф Озарий, Шайх Қамол Турбатий ва бошқалар.

«Ҳаким» сўзи Фирдавсий, Рудакий сингари форс-тожик шоирлари, шунингдек, ўзбек ҳамда Шарқнинг бошқа бир қатор халқлари таъб аҳлининг мукаммал номи тилга олинганда қўшиб айтилади ва ёзилади. Бу билан у ёки бу ижодкорнинг фазилатлари ошкор қилинади, унинг фан ва адабиёт оламидаги хизмати таъкидланади. Чунки лўғатлар «Ҳаким» сўзида «табиб, файласуф, донишманд, аллома» маънолари борлигини қайд қилади¹.

Адабиёт тарихидан маълумки, юқорида эслатиб ўтилганлардан ташқари, қаламкашлар номига ҳамроҳ бўлиб келадиган айрим «қўшимча»лар ҳам бор. Илмий жамоатчилик томонидан бундай қўшимчалар «нисба» ёхуд «унвон» деб юритилади. Кўпгина лўғатларда «унвон» сўзи тавсифланганда, унинг уч маъноси борлиги қайд қилинади. Масалан, «Фарҳанги забони тожики»нинг иккинчи томи, 392-бетида «Унвон — арабий, 1) ном, нишон, адрес; 2) сарлавҳа, дебоча; 3) нишона, намуна» тарзида талқин этилади. Таъб аҳлининг унвони бобида гап кетганда эса мазкур сўзнинг лўғатда кўрсатилган биринчи маъноси эътиборга олинади. Баъзи ҳолларда шоирларнинг унвони мукаммал ва баъзан қисқартирилган ҳолда ишлатилиши мумкин. Масалан, Амир Низомиддин Алишер Навоий, Устод Абулҳасан Рудакий, Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлий ва бошқалар.

¹ «Навоий асарлари лўғати». Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1972, 762-бет.

Мазкур мисоллардаги «Амир» (баъзан «мир» форма-сида) «Низомиддин», «Устод» каби сифатловчилар бу шоирларнинг тахаллусига, номига қўшилган қўшимчалардир. Аммо бу унвонлар ҳамма ижодкорларнинг номига қўшилавермайди. Фақат бу номларга лойиқ санъаткорларгина шундай унвон билан юритилган.

Алишер Навоий ва Аҳмад Суҳайлийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро саройида муҳрдор, вазир лавозимларида узоқ йиллар ишлаганликлари маълум. Шу боисдан ҳам тарихий, илмий-бадний манбалар улар ҳақида маълумот берганда, олд қўшимча сифатида уларнинг номига «мир», «амир» сўзларини қўшишади. Амирдан кейин келувчи «Низомиддин» эса замонасининг шарафли, фахрли унвони бўлиб, Алишер Навоий ва Суҳайлийлар катта хизматлари эвазига бундай унвонни олишга сазовор бўлишган. Уларнинг бу унвонга сазовор бўлишига илм-фан, санъат ва адабиётни ривожлантиришдаги, мамлакатни обод ва кўркамлаштиришдаги хизматлари алоҳида роль ўйнаган. Масалан, Алишер Навоий мураббийлиги ва ҳомийлигида юзлаб (Мирхонд, Хондамир, Беҳзод, Сайфий, Ҳилолий, Восифий ва бошқалар) ёшлар балоғатга етишган, ўнлаб работу мадрасалар, хонақоҳу кўприклар бунёд этилган, ариқлару қудуқлар қазилиб, халқ хизматига топширилган. Шундай фазилатлар Алишер Навоийнинг яқин сафдоши ва дўсти Шайхим Суҳайлийда ҳам бўлган.

Устод (устоз) унвонини олиш шарафи эса бадний ва илмий ижод бобида улкан зафар қучган, маҳорати таъаб-аҳли томонидан эътироф этилган, ўзидан бой адабий мерос қолдирган етук қаламжашларгагина насиб бўлган. Навоий, Огаҳий, Мунис, Муқимий, Фурқат, Нодира, Ҳамза, Айний, Ойбек, Уйғун, В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, Л. Қаюмов, И. Султонов, М. Қўшжонов, А. Ҳайитметов каби адиб ва мунаққидларни устод дейиш мумкин.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан олдин яшаб ижод этган деярли барча ижодкорлар ҳақида гап кетганда, уларнинг номи ёки тахаллусидан олдин «Мавлоно», «Мавлавий», «Маҳдум» сўзларини қўшиб тилга олиш бир одат, анъана тусига кирган. Бу анъананинг пайдо бўлиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Масалан, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида зикр этилган 459 ижодкорнинг асосий қисми ана шу унвонларнинг ҳеч бўлмаса биттаси билан шарафланган. Навоий Лутфий ҳақида шундай ёза-

ди: «Мавлоно Лутфий — ўз замонининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шухрати кўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир ва мутааззирул жавоб матлаълари (олдида жавоб айтиш душвор мисралар — Т. Қ., Р. В.) бор». **Мавлоно** **Атоий**, **Мавлоно** **Саккокий**, **Мавлоно** **Сайфий**, **Мавлоно** **Биной** сингари юзлаб қаламкашлар ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Навоий баъзи ўринларда «Мавлоно» ўрнида «Мавлавий» (масалан, Мавлавий Абдурахмон Жомий) терминини ишлатади. Бу термин ҳам жуда кўп шоирларнинг номларига қўшиб ишлатилган. Алишер Навоий Абдурахмон Жомий хусусида фикр юритганда «Мавлоно», «Мавлавий» сўзлари билан бирга «Маҳдум» «Нуран» ибораларини ҳам албатта қўшади. Аксарият ҳолларда эса устозининг номини ва тахаллусини тилга олмасдан тўппа-тўғри уни мазкур иборалар билан атайди. Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафос»ида фикримизни тасдиқловчи шундай сатрлар бор:

«...Ҳазрати **Маҳдуми Нуран** (Абдурахмон Жомий) Макка сафарига азимат қилгонда, Вайсий ва Соғарий иккаласи мулозаматда борур изҳори қилдилар».

Бадий ва илмий ижодда зўр муваффақиятларга эришган санъаткорлар хизматини тақдирлаш, уларни янги ютуқларга парвозлантириш мақсадида бизнинг давримизда ҳам партия ва ҳукуватимиз қатор унвонлар ва мукофотлар белгилаган. «Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «доцент», «профессор», «академик» каби унвонлар, Иттифоқимиз миқёсидаги Ленин мукофоти лауреати, Давлат мукофоти лауреати, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, республика характеридаги Ҳамза ва Беруний номидаги, «Ўзбекистон Ленин комсомоли» номидаги мукофотлар яхши мисол бўла олади.

Алишер Навоий «Маҳдум» сўзини ишлатишда жуда эҳтиётлик билан иш тутади ва бу сўзни асосан, Жомийга нисбатан қўллайди. Бироқ, мазкур сўз кейинги асрларда, хусусан XIX аср охирлари XX аср бошларидаги Бухоро адабий муҳитида тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолган. Масалан, Устод Садриддин Айнийнинг асарларида Шарифжон Маҳдум (Садр Зиё), Аҳмад Маҳдум (Аҳмад Дониш), Исо Маҳдум, Афзал Маҳдум Пермастий каби шу номни олишга муваффақ бўлган адиб, шоир ва

тазкиранавислар ҳақида муҳим маълумот берилади. **Мавлоно** ва **Мавлавий** — арабча сўз. Иккаласининг ҳам маъноси тенг. Эга, соҳиб маъноларида келади ҳамда олим ва шоирлар номидан олдин келиб, уларнинг зукко ва фасеҳлигига кафолат беради. Араб тилидан олинган «Маҳдум» сўзининг маъноси луғатларда улуг зот, мартабали киши тарзида қайд этилади. Олим ва шоирлар номига нисбат берганда эса билимдон, шеършунос, маҳорати баланд, асарлари эл ўртасида машҳур тарзида янги маъно кашф этади ва янгича жаранглайди. Ана шу сабабдан адабиёт илмининг комил соҳиблари улардан фойдаланишда меъёр масаласига ҳамиша риоя қилишган.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, олим ва шоирлар номига «аб», «аби», «абу», «ибн», «бинни» каби қўшимчалар ҳам қўшиб айтилади.

Кунья — арабча сўз бўлиб, ҳурмат эҳтиром ва салимийатни кўрсатувчи лақабдир. Бу лақаб «аб», «аби», «абу», «ибн», «ум», «бинни», «бинти» формаларида келади. Масалан, Абу Али — (Алининг отаси), умми Гулсум (Гулсумнинг онаси).

«Аб», «абу», «аби» сўзлари ота, падар маъноларини англатади. Масалан, Абу Тоҳир, Абу Али — Тоҳирнинг отаси, Алининг отаси. Шунингдек, «бинни», «бин», «ибн» сўзлари ҳам араб тилидан олинган бўлиб, «ўғил», «ўғли» маъноларини англатади. Масалан, Ибни Аҳмад, Бинни Раҳмат, Ибн Вали, Ибн Сино — Аҳмаднинг ўғли, Раҳматнинг ўғли, Валининг ўғли, Сионинг ўғли ва ҳоказо.

Умм эса она маъносини беради. Умми Рухсора, Умми Нодира — Рухсоранинг онаси, Нодиранинг онаси.

Шарқ халқлари адабиёти тарихида шоирлар билан бир қаторда ўнлаб етук шоиралар яшаб ижод этишган. Шоирлар таҳаллусидан олдин келувчи изоҳловчи, сифатловчи сўзлар бўлгани каби шоиралар номи ёхуд таҳаллусларидан ё олдин, ё кейин «хоним», «бону», «нисо», «отин», «отинча», «ойим», «мулло», «ойим мулло», «бегим» сингари уларни шарафловчи сўзларни қўшганлар. Исмига ё таҳаллусига юқоридаги қўшимчалар қўшилиб келган аёллар ўқимишли, билимдон, фозила, зукко аёл сифатида тушунилган. Ушбу қўшимчаю иборалар билан атаб келинган Зебунисо, Маҳастихоним, Нодирабегим, Моҳлар ойим (Нодиранинг номи), Жаҳон отин (Увай-

сий), Ёшун, Позимахоним, Анбар отин ва бошқа ўнлаб табиъ назми бўлган фозила ва зукко аёллар халқ ҳурматини эҳтироминга сазовор бўлганлар.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек ва форс-тожик адабиёти намояндалари тахаллуслари ва номларидан олдин уларнинг ҳофизани қувваси, тафаккур доираси, бадий маҳорати ва бошқа хислат-фазилатларини кўрсатувчи сифатловчи сўзлар қўшиб айтиш ўтмишида бир анъана—одат тусига кирган.

* * *

Маълумки, Эрон ва Арабистонда исломгача бўлган даврдаёқ ёзма адабиёт ривожланган. Эрон ёзма адабиётида дастлаб қофияланган проза (саъж) пайдо бўлиб, аста-секин унинг ўрнини шеърият эгаллай бошлаган. VI—VII асрларда пайдо бўлган шеърий асарлар муаллифига нисбатан «шоир» сўзи қўлланмаган, унинг ўрнида қўшиқчи сўзи ишлатилган. «Шоир» сўзи VIII аср бошларидан бошлаб ёзма манбаларда учрай бошлайди. VIII—IX асрларда поэзия тараққий этган. Шеъриятнинг ғазал, қасида, қитъа, рубоий каби жанрлари шаклланган. Худди шу даврда Аббос Марвозий, Абу Ҳафс Сўғдий Самарқандий, Абу Солиҳ Гургоний каби шоирларнинг шуҳрати кенг тарқалган. Шуниси характерлики, бу ижодкорларнинг аксарияти ўз номи билан эмас, балки тахаллуслари билан эл ўртасида шуҳрат қозонган. Аббос исмидан кейин келган **Марвозий**, Абу Ҳафсдан сўнг ишлатилган **Сўғдий Самарқандий**, Абу Солиҳга қўшилиб келган **Гургоний** каби сўзлар тахаллус маъносида ишлатилган сўзлар бўлиб, улар шу ижодкорларнинг Марвоз, Самарқанд, Гургон шаҳарларидан бўлганлигига ишорадир.

Тахаллус қўллаш масаласи форс-тожик ва ўзбек адабиётларида ўз тарихига эга бўлиб, ўзбек адабиётшунос олимлари ҳам бу масала хусусида тадқиқотлари ва дарсликларида фикр билдириб ўтадилар. Хусусан, таниқли олим Н. М. Маллаев, академик В. А. Абдуллаев ва профессор Ғ. Қ. Каримовларнинг олий ўқув юртлири учун тузилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарсликларида бу масала етарли таҳлил қилинади. Шунингдек, академик В. Зоҳидов, профессорлар А. Ҳайитметов, А. Қажумовларнинг китобларида ҳам бу ҳақда қимматли фикрлар мавжуд. Турклар ўртасида асар автори номини унда қайд қилиш анъанаси «Урхун-Енисей ёдгорликлари»дан бош-

ланади. Ўзбек олимлари ва ёзувчилари ўртасида ўз номини бадий асарга киритиш ёки тахаллус қабул қилиш традицияси туркий руи ёзувларидан кейин ҳам давом этади. Фикримизга Абу Наср **Форобий**, Абу Райҳон **Беруний**, Маҳмуд **Қошғарий** ва Аҳмад **Югнакий** сингари зукколарнинг ўз номлари билан эмас, балки «сохта номлари» — тахаллуслари билан шуҳрат пайдо қилганликлари мисол бўла олади. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ҳам тахаллус танлаш анъанаси қисман давом этди. Бу даврда совет адабиётининг ажралмас қисми бўлган ўзбек совет адабиёти ривожланиб, ёш ижодкорлар сафи ўсиб борди. Янги социалистик воқелик позициясига ўтган ва унда мустақкам турган ижодкорлар партиявий матбуот атрофида уюшдилар. Уларнинг дастлабки асарлари совет матбуоти орқали ўқувчилар қалбидан жой олди. Аммо бу ёш ижодий кучлар, давр тақозосига кўра, ҳақиқий исм ва фамилияларини пинҳон тутиб, ўз асарлари, мақолаларини маълум тахаллус остида матбуотда босиришга мажбур бўлдилар. Масалан, Садриддин Айний вақтли матбуот саҳифаларида «Айн», «Азғич», «Бир кечалик футурист», «Бир мусофир», «Бухородан бир киши», «Ёлғон рўздор», «Ёлғончи», «Зимгойиб», «Идора» каби имзолар билан даврий матбуотда қатнашди. Абдулла Қодирий эса «Шоший», «Алимов», «Жулқунбой», «Бойқуш», «Думбулбой», «Думбул жиян», «Думбул девона», «Думбулниса», «Думбулбой ўғли», «Элбой», «Жарқинбой», ёзувчи Шариф Ризо «Шодимат», «Комсомол», «Дилшод», «Алқар», «Азамат», «Ошно», «Суръатжон», «Сумбул», «Журналист» тахаллуслари билан очерк, ҳикоя, фельетонларини эълон қилдилар.

Ана шу тариқа ўзбек совет адабиётида талайгина мавсумий ёки вақтинчалик тахаллуслар вужудга келди. 20- ва 30-йилларда ўзбек совет адабиётида бадий асарларни матбуотда очиқ имзо билан эълон қила олмаслик ҳодисаси ҳозирги кунларда ўз эрки, миллий мустақиллиги ва ҳақ-ҳуқуқи учун курашаётган мамлакатларда ҳам давом этмоқда. Улар ҳам ўз асарларини турли «сохта» номлар остида эълон қилишга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, Жанубий Африка республикасининг курашчан шоири Марселино дос Сантос ўз асарларини бизнинг матбуотимизда фамилияси билан эмас, балки Лилиньо Микайя, Карлас Қалунгано ва К. Маала тахаллуслари

билан нашр эттирди. Марселино дос Сантос тахаллусларининг характерли томони шундаки, ҳатто уларда ҳам адибнинг фаолиятига хос бўлган жураш руҳи ўз ифодасини топган. Жумладан, унинг «Микайя» деган тахаллусининг маъноси шундан иборатки, у бир ўтнинг номи бўлиб, бу ўт жуда ўткирлиги сабабли, юлмоқчи бўлганларнинг қўлини қирқиб ташлар экан. Бу рамзий тахаллус шоирнинг журашчан фаолиятига жуда мос тушган. Асримизнинг 60-йилларида Марселино дос Сантоснинг она халқи ўз мустақиллигини қўлга киритиш бахтига муяссар бўлгандан кейин у Совет Иттифоқига хат йўллаб, асарларини ўз фамилияси билан эълон қилишга розилик берди.

Ҳозирги кунларда миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун журашаётган халқларнинг пешқадам шоирлари ҳам шу анъана асосида ўз асарларини эълон қилмоқдалар. Ўзбек совет адабиётида пайдо бўлган тахаллусларнинг ҳаммаси ҳам, юқорида кўрсатилгандек, маълум зарурат ё ҳаётий эҳтиёж туфайли қабул қилинган тахаллуслар эмас, албатта. Кўпчилик санъаткорлар классик адабиётдаги анъана таъсирида, эстетик идеал туфайли ўзларига тахаллус қабул қилганлар ва тахаллуслари билан китобхонлар ўртасида шуҳрат таратганлар. Масалан, буюк адиб Мусо Тошмуҳамедовни Совет Иттифоқида ва мамлакатимиз чегараларидан ташқарида ҳам исм-фамилияси билан эмас, балки Ойбек деб юритилувчи тахаллуси билан танишади ва ҳурмат қилишади. Шундай фикрларни Раҳматулла Отақўзиев — Уйғун, Мақсуд Маъсумбек ўғли — Шайхзода, Манзура Собирова — Ойдин, Абдураҳим Абдуллаев — Ғайратий, Комил Нуъмонович Жумабоев — Яшин ва бошқалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ойбек, Уйғун, Ойдин, Шайхзода, Ғайратий ва Яшин ўзларининг дастлабки асарларини юқоридаги тахаллуслар билан эълон қилишган ва умрларининг охиригача шу тахаллусларга содиқ қолишган. Республикаимизнинг бошқа бир гуруҳ ижодкорлари эса ўз исму фамилиясини тахаллус ўрнида қўллашади. Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Султон Жўра, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Иззат Султон шулар жумласидандир. Бу анъанага кўра номлар ўз ҳолича қолдирилиб, фамилиялардаги -ов, -ев, қўшимчалари олиб ташланади. Бу туфайли мазкур фамилиялар анча қисқаради, шоирона тус олади, ўзига

хос оҳанг — жаранг билан эшитилади. Ўзбек адабиёти-нинг Қуддус Муҳаммадий, Амин Умарий, Раҳмат Файзий каби вакиллари ҳам таҳаллус остида ижод қилишади. Таҳаллус танлашда булар тутган йўл ҳам ўзига хос бўлиб, унда ижодкорнинг номи тўла сақланади, отасининг исмига эса -ий қўшимчаси қўшилади. Миртемир (Турсунов), Зулфия (Исроилова), Мирмуҳсин (Мирсандов) каби ижодкорлар ном-таҳаллуслар билан халқ ўртасида эътибор қозонишган. Қолган бир гуруҳ ёзувчи, олим ва шоирлар эса ўз исми ва фамилияси билан асарларига муҳр босишади. Буларга Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Воҳид Зоҳидов, Абдулла Орипов, Лазиз Қаюмов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

* * *

*

Ўзбек адабиётида қўлланган таҳаллуслар бир жойга жамланса, ижодкорларимиз таҳаллус танлашга жиддий эътибор билан қараганлари кўзга ташланади. Алишер Навоий таҳаллус танлаш масаласига алоҳида эътибор берган, унинг қўлланиш сабабларини, моҳиятини ажойиб шеърӣ сатрларда мақсадга мувофиқ тарзда баён қилиб берган улуғлардан саналади. Фикримизга «Лисонут-тайр» достонининг «Бу китобда таҳаллус тағйирининг узри» деб номланувчи қисми яхши мисол бўла олади. Буюк мутафаккир бу ўринда фақат ўз таҳаллусларининг «тағйири» масаласи билан чекланиб қолмасдан; балки, умуман, таҳаллус бобидаги қарашларини ҳам ифодалайди:

Чун кичик ёшдин манга бўлди насиб,
 Назм адосида хаёлоти ғариб,
 Шеър ҳар синфинки қилдим ибтидо,
 Турк алфози била топти адо.
 Уйлаким ҳар кимса неким қилгуси,
 Баъзи ишта бор онинг бир белгуси.
 Ким ўзи таҳсисига имлодур ул,
 Муҳри ё тавқиъ ё тамғодур ул.
 Сафҳа дебосию назм ишшосидур,
 Ким таҳаллус нозими тамғосидур.
 Бу нишони бирла топти имтиёз,
 Не варақким назм қилди аҳли роз —
 Ким бу Саъдий ё Низомийнинг дурур,
 Ё бу Хисравнинг, бу Жомийнинг дурур.
 Форсий назм ичра чун сурди қалам,
 Назмнинг ҳар синфини қилди рақам.
 Меъки турк алфозига айлаб шуруъ,

Назм топти таъбу килкимдин вуқуъ.
Чуи саҳоби таъбим ўлди дурфишон,
Назмима эрди Навоийдин нишон.
Даҳр боғида бўлуб комим раво,
Комронлар топти назмидан наво.
Файз етқач ул маонийдин мағо,
Топти белгу назми Фонийдин манго...¹

Жаҳон шеърлятида ўзларидан яхши ном қолдириб, унинг боғини муаттар ҳидли гуллар ила безаган Шайх Муслиҳиддин, Илӛс Юсуф ўғли, Яминиддин ибн Маҳмуд ва жомлик Абдурахмонларнинг бадий асарларидаги тамғалари — тахаллуслари — Саъдий, Низомий Ганжавий, Хисрав Деҳлавий, Жомий эди. Навоий ҳам ана шу буюклар изидан борди, уларнинг анъанасини давом эттирди ва икки тилда (форс-тожик ва ўзбек тилларида) ижод қилди. Шу сабабли ҳам «тамғо» — тахаллус танлади. Форс-тожик тилида бунёд этилган шеърларига «Фоний» ўзбек тилида яратилган шеърларига «Навоий» муҳрини босди.

Алишер Навоийнинг тахаллус тўғрисидаги юқоридаги фикрлари инқилобгача бўлган илғор қарашдаги ўзбек адабиётининг барча вакилларига ҳам тегишлидир. Шу боисдан ҳам классиклар адабий жараёндаги бу анъанга ҳеч қачон бефарқ қарашмаган, аксинча, унга юксак эстетик талаблар нуқтаи назаридан туриб ёндашганлар.

Тахаллус танлаш анъанаси кейинги асрларда ҳам давом этди. Айниқса, унга XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX аср бошларида эътибор кучайди. Бу даврда тахаллус танлашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда буюк реалист ёзувчи Садриддин Айний асарларида баён этилган фикрлар диққатга сазовордир. Устод Айний ёзди: «Мен бу ерда ўзимнинг адабий тахаллусларим ҳақида бир неча сўз ёзишим лозим. Бухорога келишимнинг дастлабки йилларида одамлар (баъзи кимсаларни истисно қилганда) менга кўп паст назар билан қараб, таҳқиромуз оҳангда Саҳройй (қишлоқи) деб атар эдилар. Шу муносабат билан мен паст маънодаги «Сифлий» сўзини тахаллус қилишга қарор қилдим. Аммо кейинроқ бу тахаллус ўзимга маъқул бўлмади. Одамлар мени паст деб билишса, бу уларнинг иши. Аммо ўзимни ўзим нега паст санай... Паст, тубан маъносига «Сифлий» сўзини тахаллус сифатида ишлатишдан воз кечдим, ўзимнинг

¹ Алишер Навоий, XI том, 216-бет.

қайшоқ, муҳтожлигимга иқроор бўлдим ва «Муҳтожий» сўзини ўзимга тахаллусликка муносиброқ кўрдим. Шундан сўнг ёзган шеърларимда, вазнга сиғишига қараб гоҳ «Муҳтож», гоҳ «Муҳтожий» тахаллусини ишлата бошладим»¹. Бу парчада тахаллус танлашга боғлиқ икки-уч муҳим момент ўз ифодасини топган. Булардан бири, атрофдаги одамлар, муҳит ва жамоатчилик таъсирида тахаллуснинг вужудга желиши масаласи бўлса, иккинчиси, ижодкорнинг ижтимоий аҳволига боғлиқ тарзда тахаллусларнинг танланишидир, учинчиси шеър вазни тақозоси билан тахаллус вазифасидаги сўзнинг ўзгартириб ишлатилиши масаласи ҳисобланади. Садриддин Айний тахаллус ҳақидаги ўз мулоҳазаларини давом эттирар экан, ҳаёт машаққатлари, турмуш қийинчиликлари, ўз ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар таъсирида «Жунуний» тахаллусини олганлигини таъкидлайди. Бу ўринда тахаллус танлаш йўлидаги учинчи принцип, яъни ижодкор характер-хусусиятидаги белгилар, ҳолатларнинг ҳам тахаллус танлашда маълум таъсири борлиги намоён бўлади. Устод Садриддин Айний фикрини давом эттириб, ёзади. «У вақтларда баъзи муллабаччалар, хусусан, бухоролик муллабаччалар ва муллазодалар шеър айтиш ҳавасига тушиб қолардилар, ҳатто алифбе саводига эга бўлмаганлари ҳам уларнинг бу орзуларига моне бўлмасди. Аммо шеър машқ қилиб, бирор байтни майдонга келтиришдан олдин ўзлари учун тахаллус қидирардилар. Ҳар бири бир сўзни танлаб ўзига тахаллус қилиб олар, бир-бирига шу тахаллус билан мурожаат этиб завқланар, тахаллусларнинг маъносини сўраб-суриштирар, ўша сўзнинг тахаллус бўлишга муносиб ё номуносиблиги ҳақида мунозара қилишар, ҳар қайсиси ўзича ўз тахаллусини афзал деб ҳисобларди. Тахаллуснинг афзаллиги ҳақида уларнинг биринчи далили шу сўзнинг камёб, ажойиб бўлишида, ҳозирги ва ўтган замон шоирлари тарафидан тахаллус сифатида ишлатилмаган бўлишида эди». Ушбу парчада уч характерли момент мавжуд. Айрим адабий муҳитларда тахаллус танлашнинг шунчаки ҳою ҳавас, «мода» учун хизмат қилганлиги (албатта, халқчил шоирлар эмас) характерли ҳолатлардан бири бўл-

¹ Садриддин Айний. Асарлар, саккиз томлик. I том. ЎзССР Давлат Бадий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1963, 54—56-бетлар (бундан кейинги парчалар ҳам шу китобнинг кўрсатилган бетларидан келтирилади).

са, иккинчи муҳим томони, таҳаллус вазифасида келувчи сўзнинг мазмуни, маъноси масаласидир. Бу белги ғоят характерли бўлиб, бунга халқчил шоирлар, айниқса, қатъий эътибор қилишган. Учинчи энг муҳим томон, у ёки бу сўзнинг таҳаллус вазифасида олдин қўлланган-қўлланмаганлиги масаласидир.

Устод Айний ўз таҳаллуслари тарихига доир мулоҳазаларини давом эттириб, яна ёзади: «Менинг шеър ёзишимни эшитиб, таҳаллусим ва унинг маъносини сўрай бошладилар. Бу сўроқлар жонимга тегди. Маъноси кўп бўлган сўз топиб, таҳаллус қилмоқчи бўлдим. Шу мақсад билан луғат китобини варақлар эрдим, кўзим «айн» сўзига тушди. Луғатда бу сўзнинг 48 хил маъноси кўрсатилган эди. Энг муҳимлари, чунончи, шулар: 1) кўз, 2) булоқ, 3) офтоб ва яна бошқалар. Мен бу сўзнинг кўз ва булоқ маъноларига нисбат бериб, ўзимга «Айний» таҳаллусини қабул қилишга қарор этдим».

Демак, устод Айний кейинги таҳаллусига қадар изланиш, иккиланишлар жараёнини бошидан кечирган. Ўз эстетик позициясига тўғри келадиган «Айний» таҳаллусини топгунга қадар «Сифлий», «Муҳтожий», «Жунуний» сингари таҳаллуслар билан ижод қилган.

— Қайд қилиб ўтилган масалалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Октябрь инқилобига ҳаёт кечирган классиклар таҳаллусга жиддий муносабатда бўлганлар. Улар таҳаллуснинг ўзларига мос тушиши учун курашганлар.

2. Бадиий адабиётда таҳаллус фақатгина муаллифнинг номини кўрсатувчи бир формал восита сифатида ишлатилиб қолинмай, балки илғор ижодкорлар учун у кенг маънода — ғоявий-эстетик позиция нуқтаи назаридан ишлатилган.

3. Доимий таҳаллус танлаш жараёни изланишлар, иккиланишларга боғлиқ ижодий процесс бўлиб, унинг танланиши бир қатор факторлар (рамзий, касб-кор, туғилган жой, характер-хусусият ва ҳоказолар)га бевосита боғлиқдир.

4. Таҳаллус танланганда асосан, унинг кенг ва кўп маъноли, бошқалар қўлламаган бўлишига эътибор қилинган.

— Адабиёт тарихида маълум бўлган таҳаллуслар ғоят ранг-барангдир. Ҳар бир ижодкор қўлига қалам тутар экан, ўзига муносиб таҳаллус топиш тараддудида бўл-

ган, ўз ғоявий позицияси, принциплари, идеали доирасида иш юритган. Шу маънода адабий тахаллуслар турли принциплар замида вужудга келган.

Маданиятимиз ва адабиётимиз тарихида муҳим роль ўйнаган, унинг жаҳоний шуҳрат касб этишига салмоқли ҳисса қўшган буюк сиймолар танлаган тахаллусларни кўздан кечирсак, тахаллус танлашда ҳам ҳар хил принциплар мавжудлиги аён бўлади. Фикримиз далили учун айрим мисолларга мурожаат қиламиз:

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билиг» асарини қорахонийлар сулоласининг ҳукмрони тавғоч Буғрохонга тақдим этганда, у асарни маъқуллайди, хизматини тақдирлайди, шоирга «Хос Ҳожиблик» (эшик оғаси) унвонини беради. Ана шундан бери «Қутадғу билиг» автори илмий жамоатчилик ва шеърят ихлосмандлари ўртасида Юсуф Хос Ҳожиб номи билан шуҳрат қозониб келмоқда. Кўринадики, адиб Юсуфга берилган унвон унинг учун тахаллус вазифасини ўтамоқда. Бу анъана кейинги асрларда ҳам давом этган.

Форс-тожик адабиётининг гиганти Абу Абдулла Жаъфарнинг ўз она юртига муҳаббати—садоқати кучли бўлган ва Панжрудакдан эканлигини кўрсатиш мақсадида у ўзига «Рудакий» тахаллусини қабул этган. Рудакийнинг тахаллус танлаш анъанаси ундан кейин ҳам давом эттирилган. Фикримизга Аҳмад Югнакий, Сайфий, Бухорий, Хожа Исмат Бухорий, Амъақ Бухорий, Бадриддин Чочий (Тошкент), Қутб Хоразмий, Абдурахмон Жомий, Абдураззоқ Самарқандий каби шоир ва олимларнинг тахаллуслари далил бўла олади. Бошқа бир тоифага мансуб бўлган шоирлар тахаллус танлашда ўз касбу қорларини асос қилиб олишган. Бу ўринда тахаллус вазифасида ишлатилган сўз у ёки бу санъаткорнинг ижодий ишдан бўлак, яна қандайдир бир машғулот билан шуғулланганлигидан дарак беради.

Назм мухлислари ўртасида ўлмас рубоийлари билан шуҳрат топган Умар Хайёмнинг асли исми Умар бўлиб, «Хайём» унинг адабий тахаллусидир. Зукко олим, файласуф шоир дилбар ва дилкаш асарлар ижод қилиш билан бирга, тирикчилик ўтказиш мақсадида чодир тикиш билан ҳам шуғулланган, ана шу касби, машғулотига кўра, у ўзига «Хайём» (хайма, яъни чодир, чодирдўз) тахаллусини қабул этган. Қасиданавис шоир Саккокий (пичоқчи) ҳам тахаллусини ўз касби билан боғлаган.

Китоб шахрининг Чармгарлик маҳалласида яшаган, лирик газаллари, мухаммаслари ва «Чор дарвеш», «Раъно ва Зебо», «Тўтинома», «Юсуф ва Зулайхо» каби достонлари билан халқ орасида машҳур бўлган Мулла Қурбоннинг адабий таҳаллуси «Хиромий»дир. Хиромий бадий адабиётда юксак идеалларни пухта, нафис тараннум этиш тарафдори бўлган. У ана шу эстетик позициясидан келиб чиққани ҳолда, ўзига «Хиромий» (хиром — чармнинг олий нави, хиром қилиб юриш — чиройли юриш) таҳаллусини қабул этган. Бу билан шоир, биринчидан, чармгарлик билан шуғулланганлигига ишора қилган бўлса, иккинчидан, адабиёт оламининг нафислигини нозик ҳис қилган, халқ муддаоларини ифодаладиган пишиқ асарлар ёзиш мақсадини кўзда тутган.

Тожик тилида гўзал асарлар яратган, гишт қуйиш меҳнати билан шуғулланган **Дарвеш Деҳакий** ва замонда эркин фикрлилиги учун дарбадарликда кун кечирган, ўзбек ва тожик тилларида лирик асарлар бунёд этган **Туробий Бухорий** (паст, камтар, тупроқ билан тенг маъноларида) ўзлари мансуб бўлган ижтимоий табақани назарда тутиб, ўзларига таҳаллус танлаганлар.

Адабиёт тарихи фактлари таҳаллус танлашда шоир табиатидаги, хулқи, феъл-атворидаги белгилар, ўзгаришлар асос, сабаб бўлганлигини ҳам кўрсатади. Бундай шоирлар таҳаллус танлашда ўз табиатларидаги жузъий ҳолатларни ҳисобга олганлар. Таҳаллус танлашдаги бу принцип Алишер Навоий яшаган даврда ва ундан кейин ҳам давом этди. Бирқанча шоирлар «Жануний», «Мажнун», «Мажнуний», «Девона» таҳаллуслари остида қалам тебратганлар. Бунга Айнийнинг ҳам революцияга қадар шу таҳаллусларга мурожаат этганлиги факти ёрқин далилдир. Бу ёзувчилар ўз ижодларига камтарлик, талабчанлик ҳисси билан муносабатда бўлганлари туфайли ушбу таҳаллусларга мурожаат қилганлар.

Адабиёт тарихида май ва майхўрлик, сархушлик билан боғлиқ бўлган таҳаллуслар ҳам учрайди. Жумладан, «маст» мастлик ҳолатидаги, мастлиги тамом тарқаманган, «май хумориси» маъноларидаги «махмур» сўзи таҳаллус вазифасида ҳам келади. Шоир Маҳмуд Акмал ўғли ана шу таҳаллус остида ўз асарларини ёзди. Классик адабиётимизнинг бир гуруҳ вакиллари ўзларига рамзий (мажозий) таҳаллуслар танлаб олишган. Бундай таҳаллуслар бирон предмет, сўз ёки воқеа-ҳодисага хос ху-

сусият ва фазилатларнинг шоирга кучли таъсир қилиши натижасида пайдо бўлган. Масалан, Алишер томонидан тахаллус вазифасида қўлланган ҳар иккала сўз ҳам рамзий маънога эга. Шоир ўзбек тилида бунёд этилган асарларининг ҳаммасига (бу фикрдан «Лисонут-тайр» мустасно) «Навойй» дея муҳр босди.

«Навойй» тахаллусининг ўзагини «наво» сўзи ташкил этади. Луғатларда бу сўзнинг чуқур маънога эга эканлиги қайд қилинади. Масалан, «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»да ва «Навойй асарлари луғати»да, шунингдек филологик характердаги бошқа луғатларда ҳам «наво» сўзнининг беш маъноси борлиги уқтирилади. Булар қуйидагилар:

- 1) овоз, садо;
- 2) куй, мусиқа оҳанги, мунгли ун;
- 3) «Наво» номли махсус бир куй;
- 4) бойлик;
- 5) насиб, баҳра.

Алишер «Фоний» тахаллуси билан ҳам ижод қилган. Йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи, ўткинчи, ўзлигини йўқотган маъносида қўлланадиган «Фоний» тахаллусини улуг шоир «Девони Фоний»даги шеърлари ва «Лисонут-тайр» дostonида ишлатган.

Буюк Алишер Навойининг яқин дўсти, замондоши Шайхимбек ўзига «Суҳайлий» сўзини тахаллус сифатида танлайди. Манбаларнинг маълумотига кўра Суҳайл—юлдузнинг номи. Ривоятга кўра, у (Суҳайл) кўп ва ёруғ нур сочиши жиҳатидан бошқа юлдузлар туркумидан фарқ қилар экан. Айниқса, Яман шаҳридан бу юлдузнинг нури янада равшанроқ намоён бўлар экан. Суҳайл юлдузидаги бу ҳолат жуда кўп қалам аҳли эътиборини ўзига тортган, Суҳайл юлдузига маҳлиё бўлган. Шу туфайли Аҳмад ўн бир ёшида ўз даврининг забардаст шоири ва олими Шайх Ориф Озарий маслаҳати билан ўзига «Суҳайлий» сўзини адабий тахаллус сифатида қабул этади. Бунда унинг асл муддаоси «асарларим Суҳайл юлдузидай узоқ яшовчан, шуҳратли, ёқимли, ўлмас ва кишилар қалбига шу юлдуз сингари ёруғ нур, зиё бағишловчи бўлсин» деган фикрдир. Ўзбек совет адабиётининг биринчи бўғинига мансуб бўлган ёзувчилар, шоирлар, драматург ва мунаққидлар, асосан, тахаллус танлаш анъанасининг таъсирида бўлдилар. Жумладан, Ҳамза Ҳакимзода ўғли «Ниҳон», Садриддин

Саидмурод ўгли — «Айний», Мусо Тошмуҳаммад ўгли «Ойбек», Раҳматулла Отақўзиев — «Уйғун», Комиля Нўъмонович Жумабоев — «Яшин», Зокиржон Холмуҳаммад ўгли — «Ҳабибий», Манзура Собирова — «Ойдин» ва бошқалар ўзларига адабий таҳаллус қабул қилдилар ва китобхонлари ўртасида «иккинчи номлари» — таҳаллуслари билан шуҳрат қозондилар. Қўпгина адибларнинг таҳаллус танлаш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари уларнинг автобиографияларида изоҳланган. Бу тўғрида академик-ёзувчи Ойбек қуйидагиларни ёзади: «Узоқ ёшлиkning таассуротларидан бири ҳали-ҳали эсимда. Ёп-ёруғ кеча, уйимизнинг ясси томида онам билан турардим: тўлишган оппоқ ой осмон бўйлаб сузарди, у менга жуда гўзал кўринарди. Мен унга қўлларимни чўзиб интилардим ва «ойи, ойи, ойи олиб беринг, деб хархаша қилардим»¹. Боғубор ёшликдаги ойга маҳлиёлик, ундан таъсирланиш, кишилар қалбига мусаффо нур сочиш истаги Мусо Тошмуҳаммедовнинг ўзига «Ойбек» таҳаллусини танлашига сабаб бўлган. Бундан ташқари, Мавлоно Шамсий (номи номаълум, таҳаллусининг ўзаги — шамс — қуёш)нинг таҳаллуси қуёш билан Бадриддин Ҳилолийнинг таҳаллуси эса ой билан боғлиқ (Бадр—тўлин ой, Ҳилол — янги ой, уч кунлик — ёр қошига қиёс этиладиган ой). Заҳриддин Муҳаммад Бобир адабиёт ва санъат аҳли ўртасида «Бобир» таҳаллуси билан маълум ва машҳурдир: моҳир саркарда, йирик давлат арбоби, атоқли шоир ва адиб Заҳриддин Муҳаммад жасорат, мардлик, ботирлик, тангилик каби фазилатларга эга эди. Шунинг учун ҳам у қўлига қалам олар экан, ана шу хусусиятларни мужассамлантирувчи «Бобир» (бобр — йўлбарс) сўзини ўзига таҳаллус қилиб олган.

Адабиёт тарихида ўз номини таҳаллус вазифасида қўллаш одати ҳам маълум. Масалан, Муҳаммад Солиҳ таҳаллусини «Солиҳ» деб юритган. Мавлоно Мўминий хусусида ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Тарихдан маълумки, айрим санъаткорлар ўзлари ижод этган жанр хусусиятига қараб таҳаллус танлаганлар. Фикримизга Муаммой, Мувашшаҳий таҳаллусли шоирлар мисол бўла олади.

¹ Ойбек. Эл хизматида. «Адабиётимиз автобиографияси» тўпловчи ва сўз боши муаллифи проф. Лазиз Қаюмов. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1973, 145-бет.

Умуман, ёзувчилар, шоирлар ўз адабий тахаллусларини қуйидаги принциплар асосида танлаганлар:

1. Ижодий меҳнат эвазига берилган унвон туфайли пайдо бўлган тахаллуслар (масалан, Юсуф **Хос Ҳожиб**).

2. Туғилган жойга — она-Ватанга бўлган чексиз меҳр-садоқат рамзи сифатида қабул қилинган тахаллуслар (**Абу Абдулла Рудакий**, **Абдураҳмон Жомий**, **Исмат Бухорий**, **Бадриддин Чочий**).

3. Ижодкорларнинг касбу корлари, севган машғулотлари таъсирида танланган тахаллуслар (**Умар Хайём**, **Мулло Қурбон Хиромий**, **Мавлоно Саккокий**).

4. Санъаткорларнинг ижтимоий келиб чиқишлари, моддий турмуш даражалари ва ўзлари мансуб бўлган табақага боғлиқ тарзда қабул этилган тахаллуслар (**Муҳаммад Ҳоксор**, **Дарвеш Деҳакий**, **Мавлоно Ҳокий**, **Хуробий Бухорий**, **Амирий**, **Вазир**).

5. Шоирларнинг характер хусусияти, тақдири, майли, руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинган ҳолда юзага келган тахаллуслар (**Бобо Савдой**, **Мавлоно Жунуний**, **Бобораҳим Машраб**, **Муҳаммад Шариф Гулханий**, **Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат**, **Махмур**).

6. Ном-тахаллуслар (**Муҳаммад Солиҳ**, **Мавлоно Мўминий**).

7. Рамзий тахаллуслар (**Алишер Навоий**, **Шайхим Сухайлий**, **Мавлоно Шамсий**, **Бадриддин Ҳилолий**, **Заҳриддин Бобир**).

8. Ҳакамларнинг маслаҳати ва амир-амалдорларнинг тазйиқи билан қабул қилинган тахаллуслар (**Мужрим Обид**, **Мавлоно Замоний**).

* *

*

Шарқ халқлари адабиёти тарихида бир ижодкорнинг бир неча тахаллус остида қалам тебратиши ҳодисаси ҳам кенг тарқалган анъаналардан бири ҳисобланади. Утмиш адабиётининг гувоҳлик беришича, айрим тахаллуслар баъзи сабабларга кўра тез-тез алмаштирилиб, янгиланиб турилган. Бунга шоирнинг эстетик позициясида, идеалида пайдо бўлган ўзгаришлар асосий сабаб бўлган. Айрим вақтларда тахаллуслар ҳакамлар ва мансабдор шахсларнинг маслаҳати, талаби, таъқиби туфайли ўзгариб турган.

Алишер Навоий Мавлоно Замоний хусусида мулоҳаза юрйтиб, дейди: «Мавлоно Муҳаммад Омилыйнинг ўғлидурким, иккинчи мажлисда оти мазкур бўлди, «Вафой» тахаллус қилур эрди. Фақир (Навоий) илтимоси билла «Замоний»га тағйир берди. Икки жиҳатидан: бир жиҳат буким, Султон Бадиуззамон Мирзо мулозими эрди, «Замоний» тахаллусининг муносабати анча кўп бор эрди. Яна бир жиҳат буким, Аҳмад Ҳожибек «Вафой» тахаллус қилур ва шеъри машҳурдир ва девони ҳам бор. Муносиб эрмас эрдик, улуғ кишига бежиҳат тахаллусда шерик бўлғай» (28-бет). Бу парча икки жиҳатдан эътиборга лойиқ. Бир Мавлоно Замонийнинг икки тахаллус остида қалам тебратгани бўлса, иккинчиси, тахаллусни ўзгартиришга сабаб бўлган масаладир. Алишер «Навоий», «Фоний», Мужрим Обиднинг «Мужрим» ва «Обид», Муҳаммад Шарифнинг «Гулханий» ва «Журъат», Моҳларойимнинг «Нодира», «Қомила», Макнуна, Садриддин Саидмурод ўғлининг «Сифлий», «Муҳтожий», «Жунуний», «Айний» каби тахаллуслари остида ижод этганликлари кўп тахаллуслилик традициясининг асрлар давомида яшаб келаётганлигидан шаҳодатдир.

Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, 20- ва 30-йилларда кўп тахаллуслилик авж олган. Жумладан, адабиётшунос ва санъатшунос Баҳриддин Насриддинов Шамсиддин Шарафиддинов — Хуршиднинг, Шукрий, Доний, Шарафзода Тошкандий, Шарифзода Тошкандий, Шарафзода, Хуршид, Тажанг, Ужар, Чаён, Индамас, Инжиқ, Шукрий-Шараф, Чаёнбой, Шоҳидий, Алои-Шоший, Шамс-Шоший, Алои-Шукрий, Алои-Тошкандий, Шукрий Тошкандий, Шамсиддин Шараф, Дилхаста Шукрий-Шараф, Фақир Шамсиддин-Шараф, Ман, Фақир Шамс-Тошкандий каби 20 дан ортиқ тахаллусларда ижод этганини айтади¹.

* * *

Бир неча шоирнинг бир тахаллус остида қалам тебратиши ҳодисаси ҳам анчагина оммалашган анъана са-

¹ Қираниг: Хуршид. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва суз боши муаллифлари Халид Расул ва Маҳбуба Қодирова, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1967, 5—13-бетлар; Б. Насриддинов. Хуршид, ҳаёти ва ижоди ҳақида монографик очерк, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1975, 206—214-бетлар.

налади. Бунинг сабаби шоирларнинг бир-биридан беҳабар қалам тебратишидир. Масалан, ўтмишда Бухоронинг Қоракўл районида яшаб ижод этган шоир Тошкент ёхуд Фарғонада ижод этаётган қаламқаш билан алоқада бўлиш имконияти йўқ эди. Бундан ташқари, бир асрда маълум бир территорияда биргина тазкира бунёдга келганки, ундан баҳраманд бўлиш ҳаммага ҳам насиб бўлмаган. Масалан, Алишер Навоий яшаб фаолият кўрсатган XV асрда атиги иккита тазкира — Давлатшоҳ Ибн Бахтшоҳи Самарқандийнинг «Тазкиратуш-шуаро»си ва Алишер Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»и яратилган. Абдурахмон Жомий «Баҳористони»нинг еттинчи равзаси ҳам тазкира характерида. Бу уч асар ҳам Мовароуннаҳру Хуросондай катта территориядаги ижодкорларнинг барчасини қамраб олиш имкониятига эга бўлмаган.

Шу сабабларга кўра, айтиш мумкинки, Навоий таҳаллусида Алишер Навоийдан бошқа бир қатор ижодкорларнинг ҳам қалам тебратиши табиий бир ҳол эди. Масалан, Мулло Навоий Хуросоний (XVI), Бобосултон Навоий (Қумлик, 1588—1628), Мулло Шамсуддин Муҳаммад Навоий (Қошоний), Мирмуҳаммад Шариф Навоий (Қарбалоий), Пирзода Навоий (Сабзаворий), Мирзо Муҳаммад Тақий Навоий ва бошқалар.

ТАҲАЛЛУСЛАР ИЗОҲИ*

Аваз

Аваз Утар ўғли 1884—1919 йилларда Хевада (Хоразм) яшаб ижод этган. Ўзбек демократик адабиётининг йирик вакилларида. Аваз унинг асл исми бўлиб, бу исми у тахаллус ўрнида ҳам қўллаган.

Аваз — а. Алмаштирилган, ўрнига берилган, эвазига берилган, ўрнийи босувчи:

Айла яхши бирла суҳбат, эй Аваз,
Токи топгайсан саодат, эй Аваз.
Дўстларим бўлсин десанг аҳли жаҳон,
Хулқи хушликни қил одат, эй Аваз.

Айний

Устод Айний 1878 йил 15 апрелда Бухоронинг Гиждувон туманига қарашли Соқтаре қишлоғида туғилган, 1954 йил 15 июлда Душанба шаҳрида вафот этган.

Айний — Шарқнинг аллома санъаткори, буюк реалист, таниқли романнавис, ўзбек ва тожик совет адабиётининг асосчиларидан бири Садриддин Саидмурод ўғлининг адабий тахаллуси. Садриддин Айнийнинг «Сифлий», «Муҳтожий», «Жунуний» каби тахаллуслари ҳам бўлган. Бу тахаллуслар камситилган, ночор, қашшоқ, телба маъноларини англатади. У фақатгина «Айний» тахаллуси билангина жаҳоний шуҳрат қозонган.

Айний — а. Кўз, булоқ, чашма, худди ўзи, айнан, аниқ, ҳақиқат, олтин, қуёш, объектив ва бошқалар.

* Шартли белгилар: а — арабча, ў — ўзбекча, т — тожикча, ф — форсча.

Эй Ватан, бошимга мушкул тушди ҳижронинг сенинг!
Бенаво бошим ўлайди кош қурбонинг сенинг!
Ҳе, умидинг узма, **Айний**, давр истиқболидин,
Ҳар ватандошинг ўлур бир кун ҳамафғонинг сенинг.

Анбар отин

Анбар отин XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Қўқонда яшаган. Анбар отиннинг отаси Фармонкул машҳур шоира Увайсийнинг жиянидир. Ўзи эса шоира Дилшод отин (отин—билимли, муаллима маъноларида) қўлида таҳсил кўрган. Шоира одобли, билимдон, таланти бўлганлиги сабабли халқ ҳурматини қозонади ва шу эҳтиром рамзи сифатида уни «отин» унвони билан тақдирлашади. Шоира ўз шеърларида «Анбар отин» имзосини қўя бошлайди. Шу тариқа ўз исми ва маҳалладошлари тухфа этган «отин» унвони унинг адабий таҳаллуси функциясини ўтай бошлайди.

Анбар — а. Хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй қора модда. Хушбўйлик, хушбўй моддалар қоришмаси, хушбўй модда.

Жаҳон — оғуга келган Анбар отинман,
Ғаму қайғуга келган Анбар отинман.
Ямон соатда келдим мен жаҳонга,
Ини жодуга келган Анбар отинман.
Адаб аҳли оёқ-остида хордур,
Чунин ёғуга келган Анбар отинман.

Андалиб

Андалиб — Нурмуҳаммад Ғарибнинг адабий таҳаллуси. Унинг ўзи бу хусусда шундай ёзиб қолдирган:

Исмин эрур Нурмуҳаммад Ғариб,
Сўзда таҳаллусим эди **Андалиб**,
Шаҳримиз Урганч вилояти эди,
Хонимиз шоҳ Ғози жамоати эди,
Асли маконимиз Қорамозидир.

Андалиб Хоразм шоҳи Шоҳ Ғозихон ҳукмронлик қилган замонда (XVIII аср) яшаб ижод этган. Ундан лирик асарлар девони, «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonлари мерос қолган. Андалиб ўзбек ва туркман адабиётлари тараққиётига сезиларли ҳисса қўшган.

Андалиб — а. Булбул, ширин тил, сайроқи.

Эй рашки пари меҳри жамолинг не бало хуб,
В-эй нилуфаридек қўша холинг не бало хуб.
Боқсам юзинга Андалиб осо ажаб эрмас,
Фурқатзада бўлғонга висолинг не бало хуб.

Асирий

Асирий — Тошхожанинг адабий тахаллуси. Тошхожа Асирий 1863 — 1916 йилларда Хўжандда яшаб ижод этган. У ўзбек ва тожик тилларида ғазаллар яратган.

Асирий — а. тутқун, олий, баланд.

Шаҳрингизга алғараз ҳар қанча бўлса аҳли фазл,
Биздан эърози ниёз айланг, расоларни сўранг.
Қолмасун ҳеч ким Асирийдек фаромуши хаёл,
Гўшайи хилватгузини саҳван заволарни сўранг.

Атоий

Атоий ўзбек дунёвий адабиётининг кўзга кўринган вакилларида биридир. У XV асрда яшаб ижод этган.

Атоий — а. 1) ота; 2) бағишлаш, ҳадя бериш.

Эй ҳур ажаб руҳи мусаввар етилиб сен
Жон олғучи бир одами пайкар етилиб сен,
Оламда ситамкаш йўқ эди мисли Атоий,
Сен ҳам анга лойиқ не ситамгар етилибсен.

Баёний

Баёний — Муҳаммад Юсуф XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган. Баёний ўзидан шеърлар девони, «Шажараи Хоразм шохий», «Тарихи Хоразм» китобларини мерос қолдирган.

Баёний — а. Ифода қилувчи, ёритувчи, акс эттирувчи, шарҳловчи.

Рангин ақиқ эрдиму, эй дилдор, ё маржон лабинг,
Еким латофат боғида бир донаи руммон лабинг.
Қайда лабинг кайфиятин билгай Баёний деса шох
Ёқутдурму билмадим, ё лаъл, эй жонон, лабинг.

Беруний

Беруний — Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмаднинг тахаллуси. Абу Райҳон Беруний ўз даврининг энцикло-

педист олими, донишманди эди. Унинг «Утмиш ёдгорлик-лари», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Фармокогнозия» асарлари кўпчиликка маълум бўлиб, улар ўзбек ҳамда рус тилларида босилиб чиққандир. У шеърлар ҳам яратган.

Беруний — а. Ташқаридан, бу Абу Райҳоннинг шаҳарда эмас, балки шаҳардан ташқарида яшаганлигига ишорадир.

Бедил

Бедил — Мирзо Абдулқодирнинг адабий тахаллуси. У 77 йиллик умри давомида (1644 — 1721) ўнлаб ажойиб асарлар яратган. Бедил гарчи Ҳиндистонда ҳаёт кечирган бўлса-да, форс-тожик адабиёти тарихида янгича тасвир услубини ривожлантирган, уни шоҳ асарлар билан бойитган санъаткор сифатида эътиборга лойиқдир. Бедил «Дебоҳа», «Ирфон», «Нуқот», «Ғазалиёт», «Рубоийёт», «Қасоидот», «Қитъаот», «Ташбеҳот ва тамсилот» сингари ўндан ортиқ асарлар яратган. У ҳам наср, ҳам назмда қалам тебратган. Бедил шеърӣ асарларининг ҳажми 120 минг мисрадан ортиқроқдир.

Бедил — ф. Юраксиз, ошиқ, ҳасратли, мафтун, ошиқи беқарор.

Бедил, маро харзадари шот нест,
Мадҳи миру ситоиши султон нест.
3-ин даст каломе, ки зи мо мешунави,
Ғайр аз нисори хизмати ёрон нест.

Бинойӣ

Бинойӣ — Али бинни Муҳаммад ал-Ҳеравийнинг адабий тахаллуси. У XV асрнинг охири ва XVI асрларда яшаган. Шоирнинг асл исми Алидир. Ҳеравий — Ҳиротда туғилганлигидан далолат беради. Адабиёт оламида бу шоир «Қамолиддин Бинойӣ» номида шуҳрат топган. Тахаллусдан олдин келган «Қамолиддин» шоирнинг номи бўлмай, балки унинг унвонидир. Бинойӣ лирик асарлар, «Баҳром ва Бехрўз», «Футўҳоти хонӣ» каби достонлар ва тарихий асарларнинг муаллифидир. У ўз асарларида Бинойӣ тахаллусидан бошқа «Ҳолий» тахаллусини ҳам қўллаган.

Биной — ф. 1. Иморат, уй, асос, бунёд этмоқ, қурувчи; 2. Кўриш қобилияти ўткир, узоқни кўрувчи. ўткир кўзли, кўзи очиқ, зийрак, донишмандлик.

Чун кунам к-аз рўза сарви ман ҳилоле гаштааст,
Рўй чун моҳи тамоми ў ҳилоле гаштааст.
Аз лаби ширини шаккархон у гўяд сухан,
3- он **Биной** тўғни шаккармақоле гаштааст.

Бехат

Бехат тахаллуси билан халқ ўртасида ном қозонган бадиҳагўй шоирнинг асл номи Аҳмад, фамилияси Охунов, лақаби Борбанддир. Аҳмад Охунов 1873 йилда Бухорода камбағал оилада туғилади, 1943 йилда вафот этади. Аҳмаднинг октябрь инқилобигача бўлган ҳаёти хору зорликда ўтади, у ҳатто ўқиб, савод чиқариш имкониятига эга бўлмаганлиги учун ҳам ўзига «Бехат» (саводсиз, ўқимаган) деган камтарона тахаллус қабул қилади.

Бехат — ф. Саводсиз, ўқимаган, билимсиз, ёзуви йўқ, ёзолмайдиган.

Куйла **Бехат**, дўсту бирлик қудратин устунлигин,
Бизга шу қудратни бериб фирқамиз шод айлади.

Бобир

Бобир — Заҳириддин Муҳаммаднинг адабий тахаллуси. Бобир XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида (1483 — 1530) яшаб, фаолият кўрсатган, ижод этган. Лирик асарлар девонини, «Бобирнома», «Мухтасар», «Хатти Бобирий» асарларини мерос қолдирган.

Бобир — а. Бабр — йўлбарс.

Ҳазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим.
Улуснинг таъну таърифи манга, **Бобир**, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ёмон, яхшидин ўтқардим.

Бону

Бону — Самар Мавлавий Сирожий қизининг адабий тахаллуси. Самар Бону 1837 — 1881 йилларда яшади ва ижод этди. У шажара нуқтаи назаридан шоир Ҳувайдога бориб тақалади. Шоира шеър илми ва таълимни даст-

лаб оила муҳитида — ота ва онасидан олган, мустақил мутолаа билан уни такомиллаштирган. Бону ворисларига арзирли лирик мерос қолдирди.

Бону — а. Ҳоким, ойим, бегим, аслзода, сеvimли хотин, ёқимли, ёқимтой, маҳбуба.

Мени кўрган кунумни кўрмасун ҳеч қайси инсон ҳам,
Кўриб ҳолимга раҳм айлар, тамоми номусулмон ҳам.
Жаҳонда турғонимга юз туман бисёр ташвиш мен,
Ғаминг хат бирла ёз, **Бону**, узатма сўзни ҳар ён ҳам,

Васфий

Васфий — таржимон, шоир, журналист Муҳаммаджон Мухторовнинг адабий таҳаллуси. Форс-тожик ва тожик совет адабиётидан қилинган таржималари унинг адабий фаолиятида муҳим ўрин тутди. Васфийнинг шеърӣ тўпламлари ҳам китобхонлар эътиборини қозонган.

Васфий — а. Мадҳ этувчи, таърифловчи, мақтовини куйловчи.

Яхшиси таъриф ила сўзимни этгумдир давом,
Янгидан-янги зафарлар истагум сенга мудом,
Сен ўзинг бахш айлагансан **Васфийга** ширин калом,
Тарбиячим; сенга таъзим, сенга ҳурмат эҳтиром,
Кўкўпар хирмон ясатдинг, эй, Бухоро марҳабо!

Восифий

Тожик адабиётининг кўзга кўринган вакили Зайниддин Маҳмуд (1485 — 1551) «Восифий» таҳаллуси билан шуҳрат қозонган. Восифий «Бадоеъ-ул вақоеъ» мемуар асарини ва лирик шеърларини мерос қолдирган.

Восифий — а. Васф этувчи, тавсиф қилувчи, улуғловчи, мақтовчи.

Боҳам каш, эй мусаввир, сурати Лайлию Мажнуно.
Бад-ин сурат зи ҳижрон вораҳон Мажнуни маҳзунро.
Чу васфи лаъли сероби ту гўяд **Восифий** ҳар сў.
Зи гўши худ бурун оранд хубон дурри макнуно.

Воқиф

Машҳур Озарбайжон шоири, таниқли давлат арбоби Мулла Паноҳ «Воқиф» таҳаллуси остида дилбар ва дил-

киш асарлар ижод этган. У 1717 — 1797 йилларда яшадди. Воқифнинг умри Ганжа, Шуша, Қорабоғда ўтган. Унинг бир қисм адабий мероси бизгача етиб келган.

Воқиф — а. Огоҳ, хабардор, дунё сирларини билувчи билимдон.

Воқифман, яқин кел, айрилма мендаг
Ақлимни, ҳушимни айирма мендан.

Гулханий

XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Муҳаммад Шариф. «Гулханий» тахаллуси остида қалам тебратган. Унинг лирик асарларидан намуналар ва «Зарбулмасал»и шуҳрат қозонган.

Унинг «Гулханий» сўзини тахаллус қилишининг асосий сабаби гўлаҳда ўт ёқиш туфайли бўлмай, балки табиатидаги жўшқинлик, ўткирлик, тез таъсирланиш, билимдонлик каби фазилатлардир. Гулханий айрим асарларида «Журъат» тахаллусини ҳам қўллаган. Бу тахаллус ҳам унинг жасоратли эканлигидан далолатдир.

Гулханий — ф. Ўтга ўрганган, ўчоқ, олов ёнадиган жойга мансуб, гулхан ёқувчи, ўт қўювчи, ҳаммомни иситувчи, қиздирувчи; 2. Оловтабиат, жўшқин, ўткир.

Терламиш май тобидин гулбарги рухсорин кўрунг,
Роҳзани дин ўлди тори зулфи зуннорин кўрунг.
Соқяё, ҳажр илгида хуноба ютгум, Гулханий,
Ғайр ила базм ичра они жоми саршорин кўрунг.

Девоний

Девоний — Қомил Исмоил ўгли Хоразм адабий ҳаракатчилигининг кўзга кўринган вакилларида бўлиб, у 1887 — 1938 йилларда ҳаёт кечирган. У шоир, музикачи, хаттот, косиб (пичоқ, қилич ва бошқа буюмлар дастасига чиройли нақш солишни пухта эгаллаган) сифатида шуҳрат қозонган.

Девоний — ф. 1. Тўплам; 2. Давлатнинг кирим-чиқимлари ёзиладиган дафтар ва шу ишлар олиб бориладиган маҳкама; 3. Давлат кирим-чиқим ишлари (дафтар хонаси)нинг бошлиғи (вазир); 4. Давлат маҳкамаси.

Фигор этган кўнгулни тийри мужгонингга салламно,
Жаҳонга фитна солди чашми фаттонингга салламно.

Фироқи шиддати шаҳрини девонингга бер тартиб,
Дегай, Девониё, назм аҳли девонингга салламно.

Дилафкор

Дилафкор Каттақўрғоннинг Қунжибай қишлоғида камбағал оилада туғилган бўлиб, унинг асл исми Мансурдир. Отасининг оти Саъдулло. XIX асрда яшаб ижод этган Дилафкор замонасининг Шавқий, Хиромий, Миррий, Вола сингари истеъдодли вакиллари даврасида тарбия топган. Унинг эътиборли асарларидан бири «Раъно ва Сухангул» достони ҳисобланади.

Дилафкор бадий ижодда Мулло Қурбон Хиромийнинг издоши сифатида майдонга чиқади ва бутун ижоди давомида унга садоқатда бўлади. Жумладан, унинг «Раъно ва Сухангул» достони Хиромий ижоди таъсирида пайдо бўлган. Дилафкорнинг ҳаёти ва ижоди ҳали етарли тадқиқ этилмаган.

Дилафкор — ф. Дили хаста, дили вайрон, ортиқ хафагарчилик чеккан.

Гулшанга, аё жоно, мастона хиром этгил,
Гулларни жамолингга бир дамда гулом этгил,
Нетайким иложим йўқ, эй шўҳи жафо пеша,
Дилхаста Дилафкора бир йўла салом этгил.

Дилшод

Дилшод Раҳимқул қизи 1800—1905 йилларда яшаб ижод этган. У икки тилда — ўзбек ва тожик тилларида ижод қилиб, ўзидан бой адабий мерос қолдирган. Шоира ўз асарларида «Дилшод» ва «Барно» тахаллусларини қўллаган.

Дилшод — ф. Қўнгли шод, хурсанд, кайфияти кўтаринки.

Низомию Фузулийни асари чўх,
Асарлари чўхлигининг асари чўх.
Дилшод агар менимкинни ким ўқиса,
Ўз асрининг борасида хабари чўх.

Барно — ф. Ёш, гўзал, чиройли.

Жамоли мисра асли эрса, Барно,
Ўқугол одам айлар онча эъзоз,

Дониш

Аҳмад Маҳдум Носир ўғли Бухорода, умуман, замондошлари ўртасида «Дониш» тахаллуси билан ва «Қалла» (боши ва салласи катталиги учун) лақаби билан шуҳрат топган адибдир. У 1826 — 1897 йилларда яшади. Ундан «Манозир-ул-навоқиб», «Рисола фи Аъмол-ил-кура», «Наводирул-вақоеъ», «Таржимаи ҳоли амирони Бухорои шариф» асарлари ва шеърлари ёдгор қолди. Аҳмад Дониш XIX аср Ўрта Осиё халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган машҳур тараққийпарвар санъаткордир.

Дониш — т. Билим, илм, ақл эгаси, билиш, маълумотга эга бўлиш, маърифатли, фаҳму идрок қилувчи, фарҳанг — луғат.

Камина аҳқари худдом Дониши маҳзун,
Ки умри хеш намудаст сарфи истиқмол.

Дурбек

Дурбек XIV асрнинг охири ва XV аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек дунёвий адабиётининг таниқли вакилидир. Адабий меросидан намуна сифатида «Юсуф ва Зулайҳо» достони маълум, холос.

Дурбек — т. Марварид, инжу; марварид ва инжудек қадрли, қимматли, бебаҳо.

Жомий

Форс-тожик адабиётининг йирик сиймоси Нуриддин Абдурахмон Жомий 1414 — 1492 йилларда фаолият кўрсатди. Унинг машҳур «Ҳафт авранг»и («Етти тахт») лирик асарлар куллиёти ва тарих, фалсафа фанлари ҳусусида баҳс юритувчи бошқа асарлари жаҳон маданияти хазинасига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Жом — ф. 1. Ҳиротдаги жой (шаҳар) номи. 2. Қадаҳ, май пиёласи.

Келди жавлон пайти, шўхи шаҳсуворим қайдадур?
Ҳар киши ёри билан, билмамки ёрим қайдадур?
Жомий ёридан йироқ, ҳуш бўлғай, аммо гоҳида,
Айтса эрди кошки, ул интизорим қайдадур.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси)

Завқий

Убайдулло Мулло Солиҳ ўгли (1853 — 1921) шеър аҳлига, адабиёт оламига «Завқий» тахаллуси билан таниш. Унинг ижоди ўзбек демократик адабиёти билан ўзбек совет адабиётларини бир-бирига туташтирувчи кўприк вазифасини ўтайди. У совет воқелигини улғувчи асарлар ижод этишга ҳам улгурди.

Завқий — а. Хурсандлик, шодликка мойил, лаззатланувчи, маза, кайф, шод бир ҳолатда.

Ғаддор фалак ситам нишона
Каж дор, марез, эй замона!
Эл таънида шикваи замондин,
Завқий ишинг ўлди бу фасона.

Зебунисо

Зебунисо — Аврангзеб оламгирнинг қизи, 1639 йилда Деҳлида туғилган. Зебунисо ҳаётининг сўнгги дамигача (1702) шеърга шайдоликни тарк этмаган келажак авлод эъзозласа арзигулик маданий мерос қолдирган.

Зебунисо — ф. а. Хотинлар кўрки, безаги, ҳуру париси, бокира, зукко ва донишманди.

Зулфи ҳалқа-ҳалқа у кўзи қаро бу ердадир,
Боқиши шафқатлию нозик адо бу ердадир...
Истасанг ҳуснинг закотини берарга мустаҳиқ,
Келки, бу Зебунисо янглиғ гадо бу ердадир.

(М. Муинзода таржимаси.)

Исмат Бухорий

Хўжа Исмат Бухорий XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг биринчи ярмида яшаб фаолият кўрсатган йирик зуллисонайн шоирдир. У ҳақда ўзининг яқин замондошлари қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Хўжа Исмат Бухорийнинг мазмунли ва бадний юксак мероси хусусида Давлатшоҳ ибн Бахтшоҳи Самарқандий «Тазкиратуш-шуаро» асарида, Абдурахмон Жомий «Баҳористон», Алишер Навоий «Мажолисун-нафос», «Мезонул-авзон» каби асарларида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Айниқса, Алишер Навоий

нинг бу етук шоирга ихлоси гоят баланд бўлган. Шунинг учун ҳам уни «Мовароуннаҳр бузруквори» дея эъзозлайди. Юқорида зикр этилган манбалар маълумотига кўра, Хўжа Исмат Бухорий 1365 — 1375 йиллар оралигида дунёга келган ва 1436 — 37 йилларда вафот этган. Шоирнинг туғилган жойи Бухоро шаҳридир. Унинг мақбараси ҳам Бухорода. Исмат Бухорий ўз замонасининг етук олими, зукко ва фасеҳ шоири бўлган. У ўзбек ва форстожик тилларида асарлар ёзган. Уша даврдаги тазкира, тарихий ва илмий асарлар маълумотларига қараганда Хўжа Исмат Бухорий ўзидан саккиз минг байт (ун олти минг мисра) лирик асарлар мерос қолдирган.

Унинг асарлари кўп нусхада бизнинг замонамизга қадар етиб келган. Шоир девонлари Бухоро, Тошкент, Душанба, Ленинград шаҳарлари ҳамда хорижий давлатлардаги бир қатор китоб фондларида сақланмоқда. Илмий адабиётларнинг хулосаларига кўра, шоир девонларининг 22 нусхаси маълум. Бу Хўжа Исматнинг шуҳрати ва мавқеидан нишонадир. Шоирнинг тўла номи — Хўжа Фахриддин Исмадулло Бухорий бинни Хўжа Масъуддир. У адабий таҳаллус сифатида асарларида ўз исмини «Ис-мат», «Исмадулло» формаларида қўллаган. «Хўжа» ва «Фахриддин» шоирнинг унвонлари, «Бухорий» унинг қўшимча таҳаллуси, «Хўжа Масъуд» эса отасининг номидир.

Исмат — а. Поклик, бегуноҳлик, маъсумлик.

Камий

Камий XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Тошкент шаҳрида тирикчилик ўтказиб, бадий ижод билан шугулланган Каримбек Шарифбек ўғлининг (1866 — 1923) адабий таҳаллуси ҳисобланади. Камий Фурқат, Муқимий, Завқийларга замондош ва улар билан алоқада бўлган. Камий лирик асарларини «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилиб турган.

Камий — ф. Ҳоксор, камтар, камсуқум, эътиборга аринишлик бўлмаган, озгина, кичкина иш.

Бориб эрдик кунн уч-тўрт аҳиббо,
Қилиб гимназия сайрин таманно.
Қирибон кўрдук ўғлонлар батартиб,
Уқубон ҳам ёзиб эрканлар имло...
Кимий, сўз кўп дурур, бас қилгил эмди,
Уқур олга малолат келмасун то.

Комил

XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда Комил номли ва тахаллусли икки шоир вояга етган. Улардан бири 1825 — 1897 йилларда яшаган Комил ва иккинчиси 1887 йилларда ҳаёт кечирган Комил Девонийдир. (Зикри юқорида баён этилди.) Комил (1825—1897) нинг асл номи — Паҳлавонниёз. Катта лирик мерос қолдирган машҳур демократ шоирнинг адабий тахаллуси унинг эстетик позициясига ва яратган баркамол асарларига тўла мувофиқ келади.

Комил — а. Етук, тўлиқ, камчиликсиз, мукаммал, камолотга эришган.

Гаҳ олса илкига ул моҳ танбур,
Чекар ўтлуғ кўнгўлдек оҳ танбур.
Қилур сайри мақомот ул жиҳатдин,
Эрур Комилга хотирхоҳ танбур.

Лутфий

Лутфий — Ҳирот атрофидаги Деҳиканор қишлоғида дунёга келади. У XIV асрнинг иккинчи ярми, XV асрнинг биринчи ярмида яшади. Шоир тўқсон тўққиз йиллик умри давомида ўзбек ва форс-тожик тилларида баракали ижод этади. Унинг лирик асарлари «Гул ва Наврўз» ҳамда «Зафарнома» каби дostonлари «Лутфий» тахаллуси билан шўҳрат қозонган.

Лутфий — а. Мулойимлик, раҳмдиллик, яхши муомала, марҳамат, хушфeъллик, ҳимматлилик.

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма
Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Мажлисий

Мажлисий XVI аср ўрталарида Хоразмда яшаган ва ўзининг «Қиссаи Сайфулмулук» дostonини мерос қолдирган.

Мажлисий — а. Дўстлар даврасининг хушсуҳбати, мажлис аҳлининг севимли кишиси, базм, давра ва суҳбатга зеб берувчи, хурсандлик бахш этувчи.

Дедиким: «Мажлисий, бекор турма,
Ки мен шоирдурман деб лоф урма.
Агар бордур ҳунар илгингда кўрсат,
Ки бу дафтарни турки тилга тузат».

Махтумқули

Махмурний. асл номи Маҳмуд бўлиб, у Шермуҳаммад Акмалнинг ўғлидир. Махмур XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида Қўқонда яшаган, ўзбек ҳамда тожик тилларида асарлар яратган. Сатира ва юмор унинг ижодида етакчи йўналиш ҳисобланади.

Махмур — а. Маст, мастлик ҳолатидаги, мастлиги тамом тарқамаган, ширакайф, ширакайф ҳолатидаги.

Зор Махмур талаб қилди кечини шоҳдин,
Ҳапалак устига тушган пул агарчи лак-лак.

Махтумқули

XVIII асрнинг 30—80-йилларида яшаган Махтумқули ижоди туркман адабиётида алоҳида саҳифани ташкил этади. У ўз поэтик мероси билан туркман халқи маънавий хазинасига салмоқли улуш қўша олган йирик мутафаккир, забардаст шоир сифатида эъзозланади.

Махтумқули — а. т. Муҳрланган, маҳкам, мустаҳкам, маҳкам боғланган, шу фазилатлар шайдоси, қули.

Куйдирар шум фалак жабру жафоси,
Инонманг, ёлғондир аҳду вафоси,
Махтумқули, йўқ бу сўзнинг хатоси,
Фалак алиф қаддим дуто айлади.

Машраб

Бобораҳим Машраб XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган. Унинг ишқий, ўйноқи лирикаси, дадиллик ва жасорат билан куйланган исёнкорона асарлари асрлар оша яшаб келаётир.

Машраб — а. Табиат, характер, одат, хулқ, равиш, баҳра, насиба, ғоя, маслак, сув ичиш, сув олиш жойи, сув, шароб ичиш жойи.

Ишқ мазҳабида тақвию тоат чидаёлмас
Тасбиҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.

Машраб, келибон кўнгул ила хайру саҳо қил,
Ишқ мазҳабида обу таҳорат чидаёлмас.

Маҳзуна

Шоира Маҳзуна XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида яшаган ва ижод этган.

Маҳзуна — а. Ҳазин, ғамгин, ғамнок, кулфатзада.

Эй манти **Маҳзун** мусофирга маломат бесабаб,
Тутмасам фармонини мардуд этиб айлар ғазаб,
Жуз ризоии дўст ишқ аҳлига не бўлғай талаб
Чиққали исломдин зуннор боғлаб йўқ ажаб,
Манки бир дин офати тарсоя ошиқ бўлмишам.

Мирий

Мирий — Очилмурод Незматулла ўғлининг адабий тахаллуси. У 1830 — 1899 йилларда Қаттақўрғонда яшайди. Мирий тожик ва ўзбек тилларида ижод этган шоирлардан. У ўзидан «Раъно ва Зебо», «Чор шарбат», «Анварори Суҳайлий», «Рустам ва Суҳроб» сингари (оригинал ва таржима) йирик асарлар ҳамда лириканинг талай жанрида ажойиб маънавий мерос қолдирган.

Мирий — а. Амирий, фармон бермоқ, фармон берувчи.

Турфа савдолар бошимга солди ул шамшод қад,
Шод қаддимни букуб паст этти сарв озода қад.
Ул сиҳи қад боғи шавқида наво булбуллари,
Кўп наволар топти **Мирий** ондин айлар ёд қад.

Мужрим

Мужрим Бухоро тупроғида туғилиб, баркамол шеърлари билан шуҳрат қозонган истеъдод соҳибидир. У икки тилда (ўзбек, тожик) ижод қилган. Бундан ташқари, у Обид тахаллуси билан ҳам ижод этган. Бу тахаллусни унга Амир Ҳайдар мажбуран олдириган. Обид — ибодат қилувчи демак.

Мужрим — а. Гуноҳкор, айбдор.

Сансиэ, эй маҳваш, кўнгул сайри гулистон истамас,
Балки жисми нотавоним роҳати жои истамас.
Мужрим ўлмиш ишқ файзи бирла дарёи алам,
Лангари таби расодур ваҳми тўфон истамас.

Мунис

Шермухаммад Мунис Хоразмий ўзбек адабиёти тарихида кўп қиррали ижодкор сифатида ажралиб туради. У шоир, таржимон ва тарихчи сифатида ўзидан катта мерос қолдирди. Мунис XVIII асрнинг II ярми ва XIX аср бошларида Хевада ҳаёт кечирди, мироблик билан шуғулланди. Шоир сифатида ундан «Мунисул-ушшоқ», тарихчи тарзида «Фирдавсул-иқбол» ва таржимон сифатида Мирхонднинг «Равзатус-сафо» сингари асарлари мерос қолган.

Мунис — а. Сирдош, дўст, яқин, улфат, ҳамдам, доим бирга бўлувчи, дўст, яқин дўст, суҳбатдош.

Қулбам сари жононим келмасму экан оё.
Ҳажрида ёмон ҳолим билмасму экан оё?
Гулзори висолига Мунис ета олмас ҳеч,
Айлаб талабни елдик елмасму экан оё?

Мушфиқий

Абдурахмон Мушфиқий — Бухоро фарзанди. У 1538—1588 йилларда яшади. Унинг умри Бухорода кечди. Абдурахмон «Мушфиқий» тахаллуси билан икки ғазалиёт, бир қасида ва бир мутоййба девони ҳамда «Соқинома», «Гулзори Эрам», «Жаҳоннома» маснавийларини ёдгор қолдирди. У XVI асрнинг энг оммабоп, илғор фикрли санъаткорларидан саналади.

Мушфиқий — а. Шафқатли, меҳрибон, марҳаматли, раҳмли, дўст, ҳимматли.

Назми ту, Мушфиқий, ба камоли Ҳасан расид,
То гуфтай, ки пайрави пири Хўчанднам.

Муқимий

Муҳаммад Аминхўжа — ўзбек демократ адабиётининг йирик вакили. У Қўқонда яшади ва «Муқимий» тахаллуси остида катта адабий мерос қолдирди. Шоир ишқий, сатирик ва юмористик шеърларида, машҳур «Саёҳатнома»сида ижтимоий ҳаётдаги камчиликларни, содир бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни ёритишга интилади.

Муқимий — а. 1. Доимий, турғун, ўтроқ, бир ерда турувчи, жойлашган, собитқадам. 2. Ҳақиқий, пухта, пишиқ, абадий.

«Муқимий» тахаллуси изоҳланганда, бу тахаллуснинг шоирнинг яшаш жойига тегишли маъноси билан чекланмаслик лозим. Шоир «Муқим» сўзини тахаллус сифатида мақбул топар экан, бу сўзнинг ўз ғоявий позициясига мос тушишини ҳам инobatга олган. Шу мақсадда у «муқим» сўзнинг «турғун», «собитқадам», «ҳақиқий», «пухта», «абадий» каби маъноларидан келиб чиқиб, уни ўзига тахаллус қилиб танлайди. Демак, халқчиллик руҳи, кайфияти ижодимда турғун, унга собитқадамлик билан амал қиламан, ёзган асарларим ҳақиқий бўлиб, абадийлик касб этсин, дея онт ичади ва умрининг охиригача бунга амал қилади. Муҳаммад Аминхўжа Муқимийдан ташқари ҳам адабиёт тарихида Муқимий тахаллусли шоирлар бўлган. Улардан бири хусусида Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да маълумот беради. Эҳтимол яна бошқа Муқимийлар ҳам бордир.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимийдан:

Ер ила не хуш замони рўзгорим бор эди,
Подшолик давлатидин ҳамки орим бор эди.
Бағри қаттиқ бўлмас эрса, демагай ҳаргиз нечун
Ўтса оилар ҳам, Муқимий, дилфигорим бор эди.

Навоий

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири, ўзбек адабий тилининг асосчиси, улуғ олим ва жамоат арбоби Алишер Ғиёсиддин Кичкина ўғли (1441—1501) жаҳон халқлари ўртасида Навоий тахаллуси билан маълум ва машҳурдир. Унинг 50 минг мисрадан ортиқ «Хамса», 45 минг мисрадан зиёд «Хазойинул-маоний» ва бошқа жуда кўп фалсафий, тарихий, адабий, илмий асарлари «Навоий» тахаллуси билан шуҳрат қозонган. Шоир асарлари унинг бугунги авлодларига ҳам завқ бағишламоқда.

Навоий — а. Овоз, садо, куй, мусиқа, оҳанг, мунгли ун; «наво» номли маҳсус куй; бойлик, насиб, баҳра.

Лолалар очилса вайрон марқадим ҳар ёнидин,
Доғи кўнғлум ўтидиндур, ранги заҳмин қонидин.
Эй Навоий, туш кўрарсенму ватани демаким,
Телба тушдек соғинур, ёд этса хоҷумонидин.

Насафий

Насафий — Миробид Сайидонинг қўшимча адабий тахаллуси бўлиб, у шоирнинг туғилган жойига ишорадир. Насаф — бугунги Қарши шаҳрининг қадимий номи бўлиб, Сайидо шу ерда оламга келган. У XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII аср бошларида яшади. Сайидо қолдирган адабий мерос ижтимоий фикрларга бойлиги билан эътиборга моликдир.

Сайидо — а. Саодатли, бахтли, бахтиёр, бошлиқ, етук.

Шамъаму пайваста дар рағҳои жонам оташ аст,
Бар даҳонам мавжи оби бар забонам оташ аст.
Нест дилсўзе ба мулки синаи ман ғайри доғ,
Сайидо, имрўз ёри меҳрубонам оташ аст.

Насимий

Озарбайжон халқи бадий тафаккури тарихида салмоқли ўрин тутган ижодкорлардан бири Сайид Имомиддиндир. У Шарқ халқлари тарихида «Насимий» тахаллуси билан шуҳрат қозонган. Сайид Насимий 1369 йилда Шамаха шаҳрида туғилади. 1405 йилда қатл этилган. Насимий поэзияси соддалиги, оммабоп ва халқчиллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг номи ва асарлари кенг тарқалган.

Насимий — а. Шабада, майин ел, ёқимли шамол, тонг шамоли, шу майин шабадага мойил.

Ул дийдордур, емадилар, тўйдилар,
Ул намоздир, қиёматга қўйдилар.
Насимийни товондан сўйдилар,
Биздан салом бўлсин, жавоб шундайдир.

(Махтумқули.)

Низомий

Озарбайжон халқининг буюк фарзанди Илёс Юсуф ўғли аҳли адаб ўртасида қўшалоқ тахаллуси билан донг таратган. «Низомий» унинг асл тахаллуси, «Ганжавий» эса киндик қони томган она тупроғига самимий садоқатининг рамзи сифатида қўшилгандир. Низомий Шарқ халқлари адабиёти тарихида хамсачилик анъанасини

бошлаб берган устоз санъаткор. Унинг «Панж ганж»и — «Махзанул-асрор» («Сирлар хазинаси») «Хисрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти кезувчи»), «Искандарнома» каби поэмаларидан ташкил топган. Низомийнинг аксарият асарлари — «Махзанул-асрор» (Ҳайдар Хоразмий), «Хисрав ва Ширин» (Қутб Хоразмий) ва «Ҳафт пайкар»и (Огаҳий) ўзбек тилига таржима қилинган.

Низомий — а. Тартиб, қоида, тузилиш, тартибли, қондага риоя қилувчи.

Шодлигидан яна айдик **Низомий** шу маҳал:
Кўзим ойдин, кўзима суврати жонон кўринур.

(Туроб Тўла таржимаси.)

Нишотий

Муҳаммаднӣез Нишотий XIX асрда Хоразм адабий муҳитида фаолият кўрсатди. У кичик жанрлардаги лирик асарлари ва «Хусну дил» достонини мерос қолдирди.

Нишотий — а. Суюниш, шодланиш, хурсандчилик, хуррамлик, сурур.

Тушда лаълин кўрдим ул ойнинг тўла кулгу била,
То қиёмат субҳи ёраб, қўй мани уйқу била.
Орази минусида гулзори ҳуснин кўргали.
Йўқ **Нишотий**дек ишим бу гунбази мину била.

Ниҳон

Ниҳон, Ниҳоний — ўзбек совет адабиётининг асосчиси, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг адабий таҳаллуси. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий революцияга қадар маърифатпарварлик руҳидаги, ишқий темадаги, ахлоқ-одобга даъват этувчи асарларида шу таҳаллусни қўллаган.

Ниҳон, Ниҳоний — ф. Яширин, беркитилган, махфий, яширинча.

Ниҳонийга неча аҳду вафолар боғлаган эрди,
Дегил, кўп қилмасун аҳдини ёлгон, бир келиб кетсун.

Нодира

Нодира — Моҳлар ойим Раҳмонқул оталиқ қизининг адабий таҳаллусларидан бири. Шоира кўпчилик асарларида «Нодира» таҳаллусини қўллаган ва шу номда шуҳрат тошган. Шоира XVIII асрнинг охириги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган. У ўзбек ва тожик тилларида ўйноқи асарлар ижод этган. Нодира ўзидан бой адабий мерос қолдирган.

Нодира — а. Ноёб, кам топиладиган, қимматли, тенги йўқ, камёб, ягона.

Жон кўрмади рўзадин ҳаловат,
Ифторда ёрсиз на лаззат.
Хижрон ила рўза жавр'этолмас,
Гар ёр эрса Нодира саломат.

Носир Бухорий

Дунёвий адабиётнинг йирик вакилларида бири Носир Бухорийдир. У Шарқ халқлари ўртасида Носир Бухорий, Носируддин Бухорий ва Хожа Носир Бухорий номлари билан шуҳрат қозонган. Носир Бухорий XIV аср бошларида Бухорода туғилиб, шу асрда яшаб ижод этган. Унинг ҳақида ўтмишда Давлатшоҳ Самарқандий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдиришган бўлса, Октябрь инқилобидан кейин Садриддин Айний ва Исмаил Абдуллаевлар бу борада таҳсинга лойиқ хизмат қилишди.

Носир Бухорий шеърларида, асосан, «Носир» таҳаллуси қўлланган.

Носир — ф. Ердам берувчи, ёрдамчи.

Муҳаббат дардида Носир тоғларни лаъл этди,
Сариқ юз бирла қон ёшин тўкуб ҳар дам бу маъвога.

(Форсчадан Чустий таржимаси.)

Огаҳий

Муҳаммад Ризо Эрннэзбек ўғли Хоразм адабий (Хева шаҳри яқинидаги Қиёт қишлоғида туғилган) муҳитининг кўзга кўринган вакилларида биридир. У ўз замонасининг илғор қарашли, сермаҳсул ва кенг қамровли

шоир сифатида машҳурдир. Огаҳий лирик шоир сифатида «Таъвйзул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») девони билан ва таржимон сифатида форс-тожик адабиётидан қилган таржималари билан эътибор қозонган улкан ижодкордир.

Огаҳий — ф. Хабардор, хабардорлик, огоҳ, огоҳлик.

Рўза айлаб мени баса дилтанг,
Бошим оғир, аёғим этти ланг.
Қочуруб кун-бакуи кўзумдин нур,
Учуруб дам-бадам юзумдин ранг.
Огаҳий, билма рўзани ёлғуз,
Қарилғи ҳам сени қилибдур танг.

Ойбек

Ойбек — Мусо Тошмухамедовнинг (1905—1968) адабий тахаллуси. Совет адабиётининг йирик сиймоларидан бири, академик-ёзувчи Ойбек шу тахаллуси билан машҳурдир. Унинг «Дилбар — давр қизи», «Уч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Навой», «Ҳамза» «Бобом», «Ҳақгўйлар», «Даврим жароҳати», «Гули ва Навой» сингари поэмалари, «Қутлуғ қон», «Навой», «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабадалар», «Улуғ йўл» романлари, «Нур қидириб», «Болалик», «Алишернинг ёшлиги» номли қиссалари ва яна ўнлаб бошқа турдаги асарлари ана шу тахаллус остида кенг китобхонларга етиб борди, уларга эстетик завқ бағишлади. Адабиёт соҳасида осмон жинсларига маҳлиё бўлиш заминида пайдо бўлган ўнлаб тахаллусларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг аксарияти даставвал, ой, қуёш, сўнгра юлдузларга боғлиқ равишда (Шамсий, Қавкабий, Суҳайлий, Ҳилолий ва бошқалар) туғилган. Ана шу анъананинг давоми сифатида Ойбек тахаллуси ҳам вужудга келган.

Фикримизча, ойнинг жамол кўрсатиши инсониятнинг зарурий эҳтиёжи эканлиги, унинг умрбоқийлиги, ёруғ нур сочиши, кўриниши сингари томонлари Ойбекка жуда ёқиб тушган, уни ўзига мафтун қилиб қўйган. Ана шу мафтунлик заминида Мусанинг эҳтиросга бой қалбидан «Ойбек» тахаллуси тошиб чиққан бўлиши керак. Ойбек ой мавжудот учун ҳаётий зарурат бўлиб тунни ойдин қилгани каби бадий асарлар ҳам инсонлар учун ана шундай зарурат эканлигини чуқур ҳис этган ва одамлар ҳаёт йўлини нурафшон қиладиган асарлар ёзишни

орзу қилган; ой сўнгари она халқи дилига маърифат зиёсини сочиш, ёзадиган ҳар бир асарининг ой янглиғ ўлмас — умрбоқий бўлиши учун курашиш Ойбекнинг эзгу идеали саналган.

Ойбек — ў. Ёруғлик, равшанлик, ёғду, нур.

Ойдин

Манзура Собирова (1906 — 1953) ўзбек китобхонлари ўртасида «Ойдин» тахаллуси билан таниш. Ойдин Совет ҳокимияти йилларида ўзбек аёллари орасидан етишиб чиққан биринчи йирик ёзувчи ва жамоат арбобидир. Ойдиннинг «Тонг қўшиғи», «Ойдин шеърлари», «Қизларжон», «Ширин келди», «Мардлик-мангулик», «Ҳикоя ва очерклар» каби тўпламлари, тўпланган асарлари эълон қилинган.

Ойдин — ў. Ёруғлик, нур, равшанлик, нур сочиш.

Рабғузий

Рабғузий — Носириддин Бурҳониддин ўғлининг адабий тахаллуси. Рабғузий Хоразмнинг «Работи ўғуз» деган жойида дунёга келган. У XIII—XIV асрларда яшаган. «Қиссаи Рабғузий» (Баъзан «Қиссасул анбиён Рабғузий» деб ҳам аталади) асарини ёзган.

Носириддин Рабғузийнинг тахаллуси туғилган жойига нисбатан пайдо бўлган.

Кун тугардин кун ботарги текти эрса сўзларим,
Онда қўпти Миср шаҳру мунда Носир Рабғузий.

Равнақ

Равнақ — хоразмлик шоир Паҳлавонқулининг адабий тахаллуси. Паҳлавонқули Равнақ XVIII асрнинг охири, XIX аср бошларида Хоразмда яшади. У лирик шоир сифатида фаолият кўрсатган ва ўзидан бир девон мерос қолдирган.

Равнақ — а. Ялтираш, ёруғлик, гуллаш, ўсиш, порлаш, кўркамлик, сайқал, ҳашаматли, тантана, буюклик, тараққиёт, олға интилиш.

Бу кун бир дилрабо кўрдумки сочи ол яноғ узра,
Анга менгзарки, сунбул чирмашибдур гулга боғ узра.

Жунун саҳросида саргашта жонлар бўйнуга, Равнақ.
Эрур занжири заррин силсила бодом қабог узра.

Рудакий

Рудакий — Абу Абдулла Жаъфарнинг адабий тахаллуси. Устод Рудакий 884 — 954 йилларда яшади. Унинг ҳаёти Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида кечди. Шоирнинг тахаллуси туғилган жойига нисбатан қабул қилинган.

Руд — ф. 1. Музыка қуроли, асбоби; 2. Ариқ, анҳор, дарё, жилға (Панжруд — бешариқ, катта ариқнинг ирмоқларга бўлинадиган жойи).

Дар ишқ чу Рудакий шудам сер аз чоң,
Аз игръяи хунин мичаам шуд маржон.
Алқисса, ки аз бими азоби ҳичрон,
Дар оташи рашкам дигар аз дўзахийн.

Сайёдий

Сайёдий — туркман ва ўзбек адабиётининг иқтидорли вакили. У XVI—XVII асрларда яшаган. Унинг «Тоҳир ва Зухра» достони халқларимиз ўртасида машҳур.

Сайёдий — а. Овга мансуб, овчи, овчилик билан шуғулланувчи.

Шаҳо, кўрдум чаман ичра қўнубдур турфа шунқоре,
Назокатлар бўлур пайдо такаллум қилса гуфторе.
Ики ошиқ учун ҳардам фиғону нолалар ҳамдам,
Бу ишқнинг ўтиға куйган Сайёдийдур дидафгоре.

Сайқалий

Собир Сайқалий Ҳисорда туғилган. У 1730—1798 йилларда яшаган. Унинг «Қисса Сайқалий», «Адҳамнома», «Баҳром ва Гуландом», «Жаиғномаи имом Ханафия» достонлари эл орасида машҳур. Сайқалий ўзбек ва тожик тилларида ёзган.

Сайқалий — т. Пардозланган, безалган, силлиқланган, гўзал; ялтираш, ялтироқ, жило бериш.

Сайқалий дунёда одам ўғлининг расвосидур,
Ким ёмонлардан ёмонроқ бўлса ман андин ёмон.

Саъдий

Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий форс-тожик адабиётининг йирик сиймосидир. У Шерозда туғилган. XII—XIII асрларда яшаган. У лирик асарлар куллиёти, «Гулистон», «Бўстон» каби ахлоқий-таълимий асарларнинг муаллифидир.

Саъдий — а. Бахтли, умрбоқий, абадий тирик.

Сен, эй Саъдий, сўз ботири пурҳунар,
Қалам тиғи илгингда тўпгай зафар.
Дегин қанча бисангу, ҳақ сўз дегил,
Ема пора, найрангдан боғла тил.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси).

Саккокий

Саккокий XIV асрнинг иккинчи ва XV асрнинг биринчи ярмида Самарқандда яшаб ижод этган. Шоир кўпроқ газал ва қасида жанрларида қалам тебратган.

Саккокий — а. Пичоқчи, пичоқ ясаш билан шуғулланувчи, машғул бўлувчи.

Фурқатингда, эй пари, тан куйдию жон йиғлади,
Дам-бадам икки кўзум худ қайғудин қон йиғлади.
Билдилар юзин кўруб Саккокий ҳолин сўрмайин,
Хосу ому шаҳру деҳ, доноу нодон йиғлади.

Салоҳий

Шоир Салоҳий XVIII асрда яшаган. Ҳозирча унинг адабий меросидан «Гул ва Булбул» достони маълум, холос.

Салоҳий — а. Яхшилик, тузуклик, бир ишнинг исталган даражада яхши бўлиши, ободлик, осойиш, зуҳду тақво, парҳезкорлик.

Сиддиқий

Сайид Аҳмад Сиддиқий 1864 — 1927 йилларда Самарқандда яшади. У ўз даврининг етук маърифатпарвари эди. Сайид Аҳмад «Ажзий» тахаллуси билан ҳам ижод этган. У «Анжумани арвоҳ», «Миръоти ибрат», «Ганжинани ҳикмат», «Айнул абад» каби асарлар ҳам яратган.

Сиддиқий — а. Ростгўй, чин сўзли, тўғри сўзловчи.

Сан этма сарвати дунёдан эътибор тамаъ,
Хазондан этмагали нашъаи баҳор тамаъ.
Тамаъ қопусини зинҳор очма, эй Ажзий,
Жаҳонда эткуси таммойи шармсор тамаъ.

Солиҳ

Нур Саидбек ўғли Муҳаммад Солиҳ 1455 — 1534 йилларда яшаган. У Хоразмда туғилиб, Бухорода вафот этган. Унинг адабий меросидан намуна сифатида «Шайбонийнома» асари ва ғазаллари бизгача етиб келган. Шоир ўз номини тахаллус вазифасида қўллаган.

Солиҳ — а. Яхши, яхши ишлар қилувчи.

Ҳажрининг ўтидин жони куйган,
Сўзу ғам бирла ниҳони куйган.
Лақаби Солиҳу ўзи толиҳ,
Нурсайд ўғли Муҳаммад Солиҳ.

Сирож

Мирза Сирожиддин 1878 йилда Бухорода савдогар оиласида туғилиб, 1914 йилда вафот этади.

Бухоронинг тараққийпарвар фарзандларидан бўлган Мирза Сирожиддин 36 йиллик қисқа умри давомида жуда кўп фанларни ва тилларни ўрганади, кўп мамлакатларда саёҳатда бўлади. Унинг саёҳатлари баён этилган «Тухфаи аҳли Бухоро» («Бухоро аҳлига туҳфалар») асари халқ ўртасида кўп машҳурдир. Бу девон Мирза Сирожиддин шеърятда ҳам таҳсинга лойиқ хизмат қилганлигини исбот этади. Девон 30 дан ошиқ қасида, ишқий ғазаллар, 18 та рубоий ва қитъа, бир қанча татбуъ ва мухаммаслар ҳамда маснавийларни ўз ичига олади. Бу асарларда ўз даврининг машҳур табиби, публицисти, тараққийпарвари бўлган Мирза Сирожиддиннинг илғор қарашлари ўз ифодасини топган. Шу сабабли устод Айний «Намунаи адабиёти тожик»да (М., 1926, 153-бет) унинг ҳақида «Мирза Сирожиддин Соҳиб интибоҳлардан биридир»,— деб ёзади. Рус тилини яхши билган Мирза Сирожиддин бинни Мирза Абдурауф Сирож, Сирожий тахаллуслари билан ижод этган. Демак у ўз номини адабий тахаллусга айлантирган. Мирза сўзи унинг унвони бўлиб, маълумоти баланд, олий экан-

лигини, хати чиройли, намунали бўлганлиги, ёзувчи, шоирлигини билдиради. Сирожий ўз замонасининг илғор ва маърифатли кишиси сифатида кўп тарихий воқеаларни тўғри тушунган.

Сирож — а. 1. Чироқ; 2. Ёруғлик, нур.

Забон кушод **Сирожий** ба васфи ту имрӯз,
Тамоми рўйи замин луълуий хушоб гирифт.

Мазмуни:

Бугун **Сирожий** сенинг васфингни (таърифида) сўзлаганида,
Бутун ер юзига марварид доналари сочилиб кетди.

Суҳайлий

Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлий 1445—1502 йилларда Ҳиротда яшаган. У Алишер Навоийнинг яқин дўсти ва сафдоши бўлган. Суҳайлий форс-тожик ва ўзбек тилларида ижод этган. Ўзидан бир неча шеъррий девонлар, «Лайли ва Мажнун» достонини мерос қолдирди.

Суҳайлий — а. Ёруғ нур сочувчи, юлдуз; ёруғ нур сочувчи юлдузга маҳлиё шахс, порлоқ бахт эгаси.

Дўстлар, келманг **Суҳайлий**нинг мазори бошига,
Ким кўнгул бузгучидур онинг бузилган турбати.

Табибий

Аҳмаджон Али ўғли Табибий XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Хоразмда яшади. У 1910 йилда Хевада вафот этган. У «Мажмуа шоирони Феруз шоҳий» тазкирасини тузган. Табибий ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Шеърлар девони ва эслатиб ўтилган тазкирасидан ташқари, форс шоири Зоҳир Кирмонийнинг «Вомиқ ва Узро» асарини ўзбек тилига эркин таржима қилган.

Табибий — т. Даволаш, шифокорлик билан шуғулланувчи, шифокор.

Қўлига базм аро олғач, муғанний ногихон гижжак,
Берур овози хуш бирла улус жисмига жон гижжак.
Табибий тоғусидур, дўстлар, файзи тараб беҳад,
Қўлига базм аро олғач, муғанний ногихон гижжак.

Тамкин

Абдурахмон Абдуҳолиқ ўғли Тамкин 1852 йилда Бу-

хоро шаҳри яқинидаги Бўйробофон қишлоғида туғилган. 1915 йилда вафот этди. У проза ва поэзияда ўзбек ҳамда тожик тилларида ижод этган. Унинг «Қасида ва ғазаллар девони», «Рубоиёт» номли тўпламлари, «Ганжи шойгон», «Жароид» номли автобиографик маснавийлари, «Мулистон», «Матолиул-фокира ва матоли-ул-зоҳира» номли назму насрдан иборат асарлар тўпламлари шоирнинг унумли ижод қилганлигидан далолат беради.

Тамкин — а. Оғирлик, чидам, оғир табиатлилик, савлат, ҳайбат.

Ку дасти огаҳе, ки яке каф ба каф занам,
Мушти дигар ба тораки шуру шагаф занам.
Тамкин, ту як ган хастию агъёр саф ба саф,
Аз чоң гузар, ки дар нафасе саф ба саф занам.

Туробий

Туробий Бухорий XIX асрда яшаб ижод этган. У ўзбек ва тожик тилларида асарлар яратган.

Туробий — а. Тупроқ, тупроқ билан тенг, камтар, ер ўғли.

Андохт бурқаъро зи руҳ, он ҳури сиймо як тараф,
Бархост ғавғойи ажаб аз шағру саҳро як тараф.
Гаштам Туробий мунфаил аз гуфтаҳои худ хижил,
Манзури шоҳий покдил нобуданнҳо як тараф.

Турди

Турди — XVII асрда яшаб ижод этган исёнкор шоир. У ўзбек ва тожик тилларида асарлар яратган. Турди шоирнинг ҳам номи, ҳам тахаллуси бўлиши керак. У Фароғий тахаллуси билан ҳам ғазаллар битган.

Турди — ў. Қолди, тўхтади, ўлмади маъноларида.

Риштадек минг печу тоб жисми сўзондин ўтар,
Бовужуди эътибори чашми мардум Турди ман:

Увайсий

Жаҳонотин Увайсий 1779 — 1846 йилларда яшаб ижод этди. У лириканинг ранг-баранг жанрларида қалам тебратган. Увайсий асарлари бизгача девон ҳолида етиб келган. Шоира асарларида «Увайсий» тахаллусини қўллайди.

Увайсий — а. Бўри.

Букуи, э дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам на айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.
Мане бекас Увайсий, йиғлагайман рўзу шаб тинмай,
Уйимнинг зийнати, кўз равшани хонимни соғиндим.

Уйғун

Уйғун — ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири. ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Раҳматулла Отақўзиевнинг адабий тахаллу-сидир.

Уйғун йигирмалаб шеърӣ тўпламлари, ўнлаб поэмалари, «Она», «Қалтис ҳазил», «Алишер Навоӣ», «Олтин кўл», «Навбаҳор», «Ҳаёт кўшиғи», «Хуррият», «Қотил», «Лақма», «Парвона», «Беруний», «Парвоз», «Қопқон» сингари йигирмадан ортиқ драматик асарлари билан ўзбек совет адабиёти хазинасига салмоқли улуш қўшди.

Уйғун — ў. Мос, муносиб, оҳангдор, мувофиқ.

Солди ҳайратга мени тенгсиз жамол Душанбада,
Шеъру санъат, илму фан топмиш камол Душанбада.
Дўстлар қалбида қолсин бир умр акси садо,
Шоир Уйғун янградиб созингни чол Душанбада.

Фазлий

Фазлий Намангоний XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган. Умархон даврида «Маликуш-шуаро» — «шоирлар шоҳи» сифатида фаолият кўрсатган. Фазлий шеърлар ва «Мажмуатуш-шуаро» тазкирасининг муаллифидир.

Фазлий — а. Ортиқлик, устунлик, етукликка эга; илм-фан, ҳунар, талант соҳиби.

Уйнагил Фазлий вафо нардин қуруб жон наҳдини,
Гар тиллар бўлса санинг-ла табъи жонон ўйнамоқ.

Фирдавсий

Абдулқосим Фирдавсий форс-тожик адабиётининг йирик сиймоларидан биридир. У X асрда яшади. Шоир жаҳон маданияти хазинасига ўзининг шоҳ асари — «Шоҳнома»ни тухфа этди.

Фирдавсий — а. Афсонавий жаннат боғи. Яшнаган, кўркам, дилкаш, дилбар, боққа маҳлиё.

Феруз

Феруз — Муҳаммад Раҳим Сонийнинг адабий таҳаллуси. У 1847 — 1910 йилларда яшади. Феруз Хоразм тахтига ҳукмронлик қилиш билан бирга бадиий ижод билан ҳам машғул бўлган.

Феруз — ф. Бахтли, толели, голиб.

Бу кеча базмим аро не бўлди, ёрим келмади,
Ўртади ҳижрон ўтига йўқу борим келмади.
Нола айлармен туну кун хажрида **Феруздек**,
Кўнглига таъсир этиб афғону зорим келмади.

Фоний

Алишер Навоийнинг таҳаллусларидан бири. Адабиёт тарихида «Фоний» таҳаллусли бошқа шоирлар ҳам учрайди. Шулардан XVII асрда яшаган Фоний Кашмирийдир. Навоий Фоний таҳаллусини «Девони Фоний» ва «Лисонут-тайр» дostonида ишлатган, холос.

Фоний — а. Йўқ бўлувчи, йўқолувчи, битувчи, ўткинчи, ўзлигини йўқотган.

Алишер Навоий — Фонийдан:

Балои ғамзан соқий, чу касби мо бикунад,
Мабод он, ки касе дафъи он бало бикунад.
Ба васли боқияш уммед ҳаст, чун **Фоний**,
Ҳар он, ки азм ба сар манзили фано бикунад.

Фоиз Бухорий

Мирзашоҳ Фоиз Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди ҳали адабиётшунослигимизда етарли ўрганилмаган. Унинг инқилобий фаолияти ва янги Бухоро адабиёти йўлида сарф қилган хизматлари хусусида устоз Садриддин Айнийнинг фикрлари қимматли.

Мирзашоҳ шоирнинг ўз номи бўлиб, «Фоиз» унинг адабий таҳаллусидир. «Бухорий» Фоизнинг ёрдамчи таҳаллуси бўлиб, бу таҳаллус унинг она-Ватани Бухорога бўлган чексиз садоқати, ҳурмат-эҳтиромининг рамзи сифатида ишлатилган. Мирзашоҳ «Сарроф» таҳаллусида

ҳам шеърлар ёзган. Аммо кейинчалик пул алмаштирувчи, майдаловчи, қимматбаҳо тошларни баҳоловчи, заршунос мазмунидаги «Сарроф» таҳаллуси унга маъқул тушмайди ва Ғоиз таҳаллуси билан ном қозонади.

Мирзашоҳ 1889 — 1890 йилда Бухорода дунёга келади, ҳаммаси бўлиб, 29 йил (Амир Олимхон ўлдиртирган) яшади. Мирзашоҳ тожик, ўзбек, араб, рус, турк, татар тилларини билган. Уч тилдаги (тожик, рус, араб) китоблардан ташкил топган шахсий кутубхона ҳам тузган. 14-15 ёшидан шеър ёза бошлайди. Шарқ классикларини кўпроқ мутолаа қилади, аввал ишқий-интим темаларда, кейин тараққийпарварлик руҳида шеърлар ёзган. У ўз даврининг равшан фикрли шоирларидан бўлган. Афсуски, унинг асарлари ҳали бир ерга йиғилган эмас. Устод Айнийнинг «Намунаи адабиёти тоҷик» китобига киритилган ғазаллари ҳам унинг етарли иқтидорга эга эканлигидан далолат беради.

Ғоиз — а. Файзли баракали, мўл, фаровон қилувчи.

Сарроф — а. 1. Пул алмаштирувчи (майдаловчи); 2. Қимматбаҳо тошларни баҳоловчи, заршунос.

Ғуфғам: Ки бурд аз бари Сарроф дил? Бигуфт —
Он Қисвони парчам чун мушки тарки ман.

Фузулий

Муҳаммад Сулаймон ўғли (1498 — 1556) адабиёт оламига ва шеърят мухлисларига Фузулий таҳаллуси билан маълум ва машҳурдир. У Қарбалода туғилади. Шоир ўз даври илмларини пухта урганани ва мазмунали асарлар яратиб, эл оғзига тушади. Фузулий 58 йиллик умри давомида лирик асарлар, «Лайли ва Мажнун», «Анисул-қалб», «Сихҳат ва Мараз», «Матлаъ-ул эътиқод», «Ринду Зоҳид», «Бангу бода» каби дoston ва фалсафий мажозий маснавийлар мерос қолдирди.

Фузулий — а. Ўзига тегишли бўлмаган ишларга аралашувчи, ортиқча ва беҳуда сўзловчи, эзмалик қилувчи.

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландин сўр.
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландин сўр.
Муҳаббат лаззатидин беҳабардур зоҳиди ғофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландин сўр.

Фурқат

Зокиржон Холмуҳаммад ўгли Фурқат (1858 — 1909) ўзбек демократик адабиётининг етук сиймоларидан биридир. Ўзбек адабиётида маърифатпарварлик йўналиши бевосита Фурқат номи билан боғлиқ, «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Суворов ҳақида» каби бир қатор машҳур асарлар яратган.

Фурқат — а. Айрилиқ, ҳижрон, жудолик.

Еқма жоним ўтлара, эй шўх, зорингдур ўшал,
Мубтало кўнглум низор этма фигурингдур ўшал.
Деди: Юз минг ошиқим, аммо бири муштоқроқ,
Мен дедим: **Фурқат** деган бир беқарорингдур ўшал.

Хайём

Умар Хайём — форс-тожик адабиётининг йирик вакили. У XI асрнинг охирида ва XII асрнинг биринчи ярмида (1131 йилда Нишопурда вафот этган) яшаб, фаолият кўрсатган. Умар Хайём олим ва шоирдир. Рубоий тараққиёти бевосита унинг номи билан узвий боғлиқдир.

Хайём — а. Чодир, катта соябон тикувчи, катта чодирдўз уста.

Хайём, замона азъкасе дорад нанг,
К-у дар ғами айём нишинад дилтанг;
Май нўш дар обгина бо нолаи чанг
3-он пеш, ки обгина ояд бар санг.

Хиромий

Мулло Қурбон Хиромий XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг иккинчи ярмида Китоб шаҳрида яшаб ижод этган. Хиромий Саъдий, Навоий, Зебунисо ғазалларига мухаммаслар боғлади, «Чор дарвеш», «Раъно ва Зебо», «Тўтинома», «Юсуф ва Зулайҳо» каби дostonларни яратди. Хиромийнинг асарлари XIX аср прогрессив фикр тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Хиромий — а. Чармнинг олий сорти билан ишловчи, чармгар, чиройли юриш, майда қадамлар билан ёқимли рафтор қилиш; шодлик, хурсандлик, хушхабар, ёқимли хабар, мужда маъноларида ҳам тушунилади.

Кетур, соқи, қадаҳни айлагил соз,
Ичиб они қилай бир қисса оғоз.
Хиромий айлайн бир нусха иншо,
Ки ҳар маҳфилда бўлсун маҳфилоро.

Хисрав

Хисрав — Яминуддин Абулҳасан Деҳлавийнинг адабий таҳаллусидир. У 1253 — 1325 йилларда Деҳлида яшади. У форс-тожик адабиётининг йирик сиймоси сифатида бу адабиёт хазинасига «Қирон ус-Саъдайн», «Мифтоҳул-футуҳ», 18 минг байтдан иборат «Хамса», «Дувалрони ва Хизрхон», «Нуҳ сипеҳр» каби бир қатор асарларни қўшди.

Хисрав — а. Шоҳ, подшоҳ, султон, амир, шарафли номдор, шуҳратли.

Эй чеҳраи зебои ту рашки бутони озарӣ,
Ҳарчанд васфат мекунам, дар ҳусн аз он зеботарӣ...
Хусрав ғариб асту гадо, афтодаа дар шаҳри шумо,
Бошад, ки аз баҳри худо сӯи ғарибон бингарӣ.

Хос Ҳожиб

Адиб Юсуф адабиёт оламига «Хос Ҳожиб» унвони билан маълум ва машҳурдир. У 1070 йилда машҳур «Қутадғу билиг» асарини ёзган.

Хос Ҳожиб — а. Хос — а. Махсус, алоҳида, мумтоз, энг яқин; юқори табақа. Ҳожиб — а. Дарвозабон, эшик қоровули, пардадор; қош.

Хуршид

Хуршид — шоир, драматург, олим — Шамсиддин Шарафиддиновнинг адабий таҳаллуси. Хуршид 1892 — 1960 йилларда яшади. Хуршид ижоди давомида шеърлар, «Ёмон ўртоқ», «Жувонбозлик қурбони», «Туганмас бойлик», «Кичик аскар», «Қалин», «Муҳаррам», «Алишер Навоий асарлари асосида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», Фирдавсий «Шоҳнома»си асосида «Сиевуш» каби сахна асарларини яратди. У «Муштум»нинг редактори ва фаол муҳбири сифатида «Ўжар», «Тажанг», «Чаён» каби муваққат таҳаллуслар билан ҳам материаллар эълон қилган.

Хуршид — ф. Қуёш, офтоб.

Жоно, қош ила қилиб ишорат,
Ишқинг дилу жонга солди горат.
Ҳолим сенга арз этишга, Хуршид,
Авф айлаки, айладим жасорат.

Чархий

Чархий — Асқарали Ҳамроали Тўхтасин ўглининг адабий тахаллуси. У 1900 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Шоир асарлари бир неча марта тўплам ҳолида босилиб чиқди.

Чархий — ф. Гилдирак, айланиш, осмон, кўк, фалак, тақдир, толе.

Кимда қасдинг бор Қўқонда, хой лой,
Олти ой чанг бўлса, олти ой лой

Чархий, ким кўрса Муқимий кўчасин,
Дерлар, аҳволингга юз минг вой, лой.

Шавқий

Шавқий — Муҳаммад Шариф Каттақўрғонийнинг адабий тахаллуси. У XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган. Шавқий уч тилда — араб, форс ва ўзбек тилларида асарлар ёзган. У бир қатор илмий, фалсафий китобларнинг ҳам муаллифидир. Адабиёт тарихида бошқа Шавқийлар ҳам бор.

Шавқий — а. Ўткир орзули, зўр ҳавасли, қаттиқ интилишли, кайф, истак, ўрганиш.

Чиқди боғидан бир гул, мен сори шитоб айлаб,
Бурқабени солиб юздин, бағрими кабоб айлаб,
Тарки хонумон эттим, гўшада макон эттим,
Васфини баён эттим, Шавқидин китоб айлаб.

Шоҳин

Шамсиддин Маҳмуд Бухори — Шоҳин тахаллуси билан ижод этган. У 35 йиллик қисқа умри (1859 — 1894) давомида бадий ижод билан жиддий шуғулланган ва каттагина адабий мерос қолдирган. Шоҳиндан мерос сифатида лирик асарлар девони, «Лайли ва Мажнун», «Бадосус-саноеъ» асарлари ҳамда «Тухфаи дўстон» достонининг айрим боблари бизгача етиб келган.

Шоҳин — ф. Ов қуши, қарчиғай.

Югнакий

Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакий XII асрнинг охири ва XIII аср бошларида яшаб ижод этган. Унинг ижодидан намуна сифатида «Ҳибатул-ҳақойиқ» асари етиб келган. Адиб Аҳмаднинг таҳаллуси туғилган жойга нисбатан танланган.

Адиб Аҳмад отим, адаб панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум...
Отаси оти Маҳмуди Югнакий,
Адиб Аҳмад ўғли йўқ ул ҳеч шаки..
Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолик ажаб ер, кўнгуллар ёрур.

Яшин

Яшин — ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири. Академик Комил Яшин ўзбек совет драматургияси хазинасини «Тор-мор», «Ўртоқлар», «Ёндирамиз», «Гулсара», «Офтобхон», «Нурхон», «Генерал Раҳимов», «Йўлчи Юлдуз», «Инқилоб тонги» сингари драматик асарлари билан бойитди.

Яшин — ў. Чақин, момақалди роқ натижасида тез пайдо бўлиб, зудлик билан тарқалувчи ёруғлик, чақмоқ, аланга, ялтироқ, чаққон.

Қутб

Қутб Хоразмий ўзбек дунёвий адабиётининг кўзга кўринган вакилларида биридир. У XIV асрда яшади. Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини ўзбек тилига эркин таржима қилди.

Қутб — а. Ҳар бир нарсанинг ўртасидан ўтган ўқнинг икки учи. Ўрта, марказ.

Зиҳи хонлик зиҳи шафқат, зиҳи дод,
Дуо бор чинингда йўқ уш фарёд...
Қутб ҳам давлатингиз соясинда.
Еш ўғлонгек илоят доясинда.

Ғайратий

Ғайратий Абдураҳим Абдуллаев (1902—1976)нинг адабий таҳаллусидир. Ғайратийнинг назм ва наср-

да эълон қилинган катта-кичик китобларининг сони 50 га яқинлашади. Айниқса, «Яшаш тароналари», «Эрк товуши», «Тапланган асарлар», «Олов танлар», «Оқин ҳукми» (повесть), «Онамга хат», «Жинаста» (поэмалар), «Менинг ёшлигим», «Ҳикоялар», «Ўрмонда», «Қанотли дўстлар», «Тугмача гул», «Омон» (болалар учун сахна асарлари) кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ғайратий — а. Қувватли, иштиёқли, тиришқоқ; рашк, қизғаниш, саъй-ҳаракат, берилиш.

Хамиша севгига ҳақман, буни афсона дема,
Чекарман ўт, фиғон, бемаҳал тарона дема.
Кел энди Ғайратийнинг севгига садоқатини,
Мудом ҳурматини эт, сен уни бегона дема.

Ҳабибий

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Ҳабибий 1890 йилда Андижон область Пахтаобод районида туғилган. У ўзбек совет адабиётининг кекса авлодига мансуб вакиллари билан. Ғазалхон шоирнинг девони, ўнлаб тўпламлари халқимиз ўртасида машҳур.

Ҳабибий — а. Дўст, ўртоқ, севимли, биродар, ҳамдам.

Биродар, бизни айлаб зор тоқай,
Ётурсан эркалаб бемор тоқай.
Самимий, чин ҳабибингман, Ҳабибий
Қилурсан ташна дийдор тоқай.

Ҳавойи

1838 йилда туғилиб, 1905 йилда вафот этган Муҳаммад Умар «Умидий» ва «Ҳавойи» тахаллуслари билан ижод этган. Ҳавойидан бой адабий мерос қолган. Ҳавойининг девони ҳамда «Мактубчаи хон» (1884), «Жангнома» (1888), «Бадолатнома ёки тарихи Хўқанд» (1890) дostonлари маълумдир.

Ҳавойи (ҳаво) — а. 1. Орзу, майл, истак, ҳавас; 2. Ишқ, муҳаббат; 3. Учши, парвоз.

Ҳилолий

Бадриддин Ҳилолий XV асрнинг 30-йилларида ва XVI асрнинг биринчи ярмида яшаган. Ҳилолий ғазаллар девони (360 ғазал), «Шоҳу Дарвеш», «Сифотул-оши-

қин», «Лайли ва Мажнун» дostonларинини муаллифи-
дир.

Ҳилолий — а. Янги ой, уч кунлик ой; янги кўринган
ой, севгилисининг ойга ўхшаш эгилма қошига мафтун бў-
лувчи шахс.

Ин қатраи хун чист ба рӯи ту, Ҳилолий,
Гўё ки дил аз ғуса ба рӯй ту давида?

Ҳозик

Ҳозик — Жунайдулла Ислomшайх ўғлининг адабий
тахаллуси. У XIX асрда яшади. Ҳозикнинг умри Бухоро,
Самарқанд, Хоразмда ўтади. Унинг асарларидан наму-
налар бизгача етиб келган.

Ҳозик — а. Билимдон, моҳир, уста, комил, устод.

Юзин кўргач кўролмам тоқати ашким ҳужуминда,
Нучуқким тоб қилмас меҳрдни гардун нуҷуминда.
Нетонг эрмиш агар Ҳозикни килкидан шакар томса,
Чу йўқ васфи хатингдин кўзга мазмуни рукуминда.

Ҳофиз

Шамсиддин Муҳаммадхожа Ҳофиз Шерозий XIV
асрда Шерозда яшаб ижод этди. Шамсиддин Ҳофиз Ше-
розий Шарқ халқлари адабиёти тарихида ғазалчиликни
ривожлантирган, уни юқори чўққига кўтарган, ғазалнинг
риндона, лоуболи — эркин фикрлилигини таъминлаган
шоир сифатида машҳур.

Ҳофиз — а. Куйловчи, қўшиқчи, турли мақомларда
ашула айтувчи, сақловчи, муҳофаза қилувчи. «Қуръон»
ни ёд олган киши.

Эи беҳудй талаби ё мекунанд Ҳофиз,
Чу муфлиссе, ки талабгори ганчи Қорун аст.

МУНДАРИЖА

Авторлардан	2
Адабий тахаллус тарихига доир	3
Тахаллуслар изоҳи	24

На узбекском языке

Караев Таджи, Вахидов Рахим
О ЛИТЕРАТУРНЫХ ПСЕВДОНИМАХ

В помощь учителям литературы

Издательство «Уқитувчи»

Ташкент — 1978

Редактор *М. Сатторов*

Бадий редактор *П. А. Бродский*

Техн. редактор *О. Г. Беляева*

Корректор *Д. Умарова*

ИБ № 949

Теришга беришди 19.01.1978 й. Босишга рухсат этилди 21.08.1978 й. Тип. қозғоз № 3 84×108^{1/32}. Шартли босма. л. 3,15. Нашр. л. 2,97. Тиражи 10000. Зак. 473. Баҳоси 15 т.

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 147-77.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахона. Янгийўл, Самарқанд кўчаси, 44. 1978 й.

Типография № 2 Ташкентского полиграфического производственного объединения «Матбуот» Государственного Комитета УзССР по делам издательств, полиграфии и книжной торговли. Янгийоль, ул. Самаркандская, 44.